



MILLIY TIKLANISH

40 (257) ● 2013 йил 15 октябрь, сешанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган



Юртимизда истиқолнинг илк кунларидан демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

4 ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА



Тайлоқ иқтисодиёт ва сервис касб-хунар коллежида ёшларга таълим-тарбия бериш, уларнинг касб эгаллаши, мустақил юрнинг муносиб фарзандлари бўлиб етишиши йўлида самарали ишлар қилинмоқда.

6 ЖАРАЁН



Мустақиллик шарофати билан маданиятнинг барча соҳалари қатори ўзбек миниатюра санъати ҳам қайта қадр топди, ривожланди.

8 КУЗГУ

Хабар

Геологиянинг долзарб масалалари

Ўзбекистон Миллий университетида геологиянинг долзарб масалаларига бағишланган республика илмий анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси, Ўзбекистон Фанлар академияси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда олимлар, мутахассислар, ёш тадқиқотчилар ва талабалар геология соҳасида олиб борилаётган илмий изланишлар натижалари, фан ва амалиёт ҳамкорлигини кенгайтириш истиқболлари ва янги ихтироларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш ишларини янада такомиллаштиришга оид маърузалар тингланди.

Меҳнат муҳофазаси доимий эътиборда

Республика аҳоли бандлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш илмий марказида меҳнат муҳофазасининг ҳуқуқий асослари, амалий механизмлари ва уни такомиллаштириш масалаларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқлари, корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнатни муҳофаза қилишнинг замонавий тамойилларини жорий этиш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофазалашга алоҳида эътибор қаратилаётган. Давра суҳбатида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштириш, ишлаб чиқариш корхоналарида ишчи-ходимларни ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш, меҳнат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги устувор вази­фалар хусусида фикрлашилди.

"Ўзэкспомарказ" ярмаркага тайёр

Шу йилнинг 16-17 октябрь кунлари пойтахтимизда IX халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси бўлиб ўтди. Айни пайтда ярмаркани юқори савияда ўтказишга қаратилган тайёргарлик ишлари ниҳоясига етмоқда.

Жорий йилда ярмарка иш қўла­ми, унда иштирок этувчилар сафи янада кенгайтириш кутиляпти. "Ўзэкспомарказ" миллий кўргазма компаниясидан маълум қилишларича, бу ерда ярмаркани юқори савияда ўтказиш учун барча зарур ташкилий чора-тадбирлар кўрилган. Ишбилармонларнинг ўзаро му­зокара­лар олиб бориши, шартно­малар имзолаши, вақтини мазмун­ли ўтказиши учун барча шароит я­ратилган. Кўргазма доирасида мам­лакатимиз тўқимачилик сан­оати салоҳиятини жаҳонга кенг на­моён этиш мақса­дида дизайнерларимиз томонидан жаҳон модаси тенден­циялари ва миллий анъаналаримиз­ни ҳисобга олган ҳолда тайёрлан­ган ранг-баранг либослар на­мойи­шини ўтказиш режалаштирилган.



Жамиш НОРҚОБИЛОВ (ЎзА) оқсат сурат

Партия миллий тикланишининг асосий принципи - халқ маънавияти­ни тиклашга кўмаклашувчи анъаналар ва ижтимоий тараққиёт бирлиги принципини ҳаётга жорий этиш, юксак маънавиятли ва ахлоқли, эркин, масъулиятли, комил инсонни тарбиялашга ҳар томон­лама кўмаклашиш, шахснинг шаклланишида оиланинг ўрни беқиёс эканлигидан келиб чиқиб, оила институти ва унинг қадриятларини мустаҳкамлаш борасида аниқ мақсадга қаратилган иш олиб бориш, "Юксак маънавиятли оила орқали юксак тараққиёт сари" деган ғояга асосланган ижтимоий-маънавий лойиҳа яратиш ва уни амалга оши­ришни устувор вази­фа деб билади.

ЎзМТДП сайловолди
Платформасидан

Партия лойиҳаси

Иқтидор эгалари кашф этилмоқда

"Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони" кўрик-танловининг вилоят босқичи голиблари финалга йўлланма олди

Доно, ташаббускор, меҳнатсевар, ватанпарвар, оилапарвар... Ўзбек аёлига бериладиган бу таърифларни яна узоқ давом эттириш мумкин. Халқимизда азалдан аёл зоти­га бўлган ҳур­мат ва эътибор бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам юксак даражага кўтари­лди. Бугун ўзбек аёли ўз ақл-идроки, донолиги, ташаб­бускорлиги тадбиркорлиги билан ҳам оила, ҳам жамият ши­да фаол­лик кўрсатмоқда. У тарбиялаб вояга етказган фарзандлар эса юрт қорига ярайдиган, халқ хизмати­га шай инсонлар бўлиб камол топиб, аёл меҳнатлари самарасини рўй­ба чиқармоқда.

"Донолик ва ташаббускорлик — сиё­сий етакчилик мезони" Республика кўрик-танловининг Тошкент шаҳар бос­қичи билимдон, зукко ва доно қизлар баҳс-мунозарасига ай­ланди. Унда ЎзМТДП Марказий ва Тошкент шаҳар Кенгаши аъзолари, халқ депутатлари шаҳар Кенгашига партиядан сайланган депутатлар, "Аёллар қаноти", "Ёшлар қаноти" етакчилари, ёшлар ҳамда ом­мавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Танловнинг очилишида ЎзМТДП Мар­казий Кенгаши Ижроия Қўмитаси де­во­ни бўлим бошлиғи Ханифа Зокирова ҳамда партия Тошкент шаҳар Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари Васи­ла Файзи­ева сўзга чиқиб, мам­ла­катимизда хотин-қизларга кўрсатилаёт­ган эътибор, яратилаётган шарт-шаро-

итлар натижасида бугун улар жамият ҳаётининг турли жаҳдаларида самара­ли фаолият юритаётганини эъти­роф этишди.

Таъкидланганидек, 2009 йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур кўрик-танлов хотин-қизлар ора­сидан кўплаб истеъдод эгалари ва сиё­сий етакчиларни аниқлашга хиз­мат қил­моқда. Бу йилги танловнинг туман сара­лаш босқичларида 10 нафар хотин-қиз ўз интилиш ва салоҳиятини синовдан ўтказиб, шаҳар босқичига етиб келди.

Кўрик-танлов иштирокчилари "Ўзини таништириш маҳорати", "Агар мен де­путат бўлсам" мавзусидаги лойиҳа ҳамда эркин мавзу шартлари бўйича куч синашдилар.

3-бет

Қонун кучга кирди

Маънавий муҳит барқарорлиги

унда маҳалланинг роли ва таъсири кучайиб бормоқда

Давлатимиз раҳбари ўз чиқишларида маҳалланинг роли ва таъсири хусусида алоҳида тўхталиб: "Халқ­ми­зга хос ўзини ўзи бошқариш тизимининг бу ноёб усули қадим-қадимдан одамларнинг нафақат тилида, балки дилида, бутун ҳаётида чуқур жой эгаллагани бежиз эмас. Биз "Маҳалла — ҳам ота, ҳам она" деган ҳикматли нақлни ана шу ҳаёт­ий ҳақиқатнинг ифодаси сифатида қабул қила­миз" деган фикр­ни билдиргандилар.

Дарҳақиқат, юртимизда ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб тизими — маҳаллалар фаоли­я­тини ривожлантиришга алоҳи­да эътибор қаратиб келин­моқ­да. Бугун ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан жамият­да қонун устуворлигини таъ­минлаш, аҳоли, хусусан, ёшлар­нинг ҳуқуқий маданиятини юк­салтириш, ҳуқуқбузарликлар­нинг олдини олиш, оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувват­лашга қаратилган муайян ва­зи­фалар амалга оширилмоқда. Бу борада Президентимиз то­монидан тақдим этилган "Мам­ла­катимизда демократик исло­хотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ри­вожлантириш Концепцияси" да­стуриламал бўлмоқда.

Концепция асосида қабул қилинган Ўзбекистон Рес­пуб­лика­сининг янги тахрирдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бош­қариш органлари тўғрисида"ги ва "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳат­чилари сайлови тўғрисида"ги

Қонунлар бу борадаги ишлар қўла­мини янада кенгайтириш­га хиз­мат қилмоқда. Мазкур қонунларга ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада самарали ташкил этиш бўйича бир қатор муҳим ўзгар­тиш ва қўшимчалар киритил­ди. Жумладан, ҳудудда тад­биркорлик фаолиятини, оила­вий тадбиркорлик ва хунар­мандчиликни ривожлантириш­га кўмаклашиш мақса­дида фу­қароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига маслаҳат мар­казлари ташкил этиш ва ко­лат­лари берилди.

Шунингдек, қонунга муво­фиқ, фуқаролар йиғинида тад­биркорлик фаолиятини ташкил қилмоқчи бўлган, шу ҳудудда яшаётган фуқароларга иқтисо­диёт асослари, бухгалтерия ҳисоби, тадбиркорлик фаоли­я­ти ва солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари асосларини ўр­ғатиш бўйича қисқа мuddатли курслар ташкил этилади.

2-бет

Давра суҳбати

Фуқаролик жамияти шаклланишини монито­ринг қилиш мустақил институтида "Сиёсий партияларнинг сайловлардаги иштироки: муам­молар ва уларни ҳал этиш йўллари — Ўзбекис­тон Миллий тикланиш демократик партияси мисолида" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Сиёсий партияларнинг сайловларга тайёргарлиги


Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси мисолида таҳлил этилди

Унда ЎзМТДП Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонун­чи­лик палатасидаги фракцияси аъзолари, партия Тошкент шаҳар ва вилоят Кенгаши фаоллари, Ўзбекистон Рес­пуб­лика­си Марказий сайлов комиссияси аъзолари, Ўзбе­кис­тон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бош­қаруви академияси ва Ўзбекистон Республикаси Прези­денти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторин­ги институти ходимлари, Фуқаролик жамияти шакллани­шини мониторинг қилиш мустақил институти мутахассис­лари, экспертлар ва оммавий ахборот воситалари вакил­лари иштирок этди.

4-бет

"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



Ташаббус ва натижа

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТЛАРИ

билан боғлиқ масалалар юзасидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎЗМТДПдан сайланган депутатлар томонидан депутатлик сўровлари юборилди ва уларнинг аксарияти ижобий ҳал этилди

Истиқлол шарофати билан халқимиз ўзлигини топди. Миллий урф-одат ва қадриятларини қайта тиклаб, тараққиёт йўлида дадил оидмламоқда. Ушбу эзгу ва кенг кўламли ишларда юртимиз, ҳеч шубҳасиз, эзулик давомчилари, келажак эгалари бўлмиш ёшлар кўмағига таянмоқда.

ўйлантираётган масалаларни ўрганиб, тегишли ташкилот ва идораларга депутатлик сўровларини киритиш орқали ижобий ҳал этишга кўмаклашишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Бу жараёнда ёшлар масаласи устувор аҳамият касб этмоқда.

— Ёшларни ҳар томонлама баркамол қилиб вояга етказиш, уларга замон талаблари даражасида таълим-тарбия бериш мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг асосий мазмунига айланган, - дейди халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашидаги ЎЗМТДП депутатлик гуруҳи раҳбари А.Сайдуллаев. — Боиси, ҳар қандай мамлакатнинг келажаги ўсиб келаётган ёш авлод интеллектуал имкониятлари билан чамбарчас боғлиқ. Шу билан бирга келажак эгаларнинг жисмонан соғлом ва баркамол бўлишлари ҳам тарбиянинг асосий мезонларидан саналади. Бу борадаги савий-ҳаракатларни янада такомиллаштиришга кўмаклашиш, учраётган муаммоларни аниқлаб, уларни бартараф этиш депутатлик гуруҳимизнинг энг муҳим вазифалари сирасига киради. Шуниси қувонар-

кон машина ва жиҳозларини техника ишлаши ва таъминлаш механизми” йўналиши бўйича мутахассис ҳисобланган ёшларнинг бандлигини таъминлашга амалий ёрдам кўрсатиш бўйича киритилган депутатлик сўрови ҳам ўз ижобий ечимини топди, - дейди суҳбатдошимиз.

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари томонидан коммунал ташкилотлар раҳбарларига мактабларни қиш мавсумига тайёрлаш борасидаги сўров киритилди. Бундан ташқари ЎЗМТДП депутатлик гуруҳи аъзолари томонидан Ўртачирчиқ туманидаги баъзи умумий ўрта таълим мактабларида спорт зали қуриш ҳамда Пискент туманида жойлашган руҳий ва жисмонан заиф болалар интернати биносини қайта таъмирлаш юзасидан тегишли идораларга мурожаат қилинди.

Жорий йилнинг апрель ойида халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашидаги ЎЗМТДП депутатлик гуруҳи томонидан Чиноз туман ҳокимлигига туманда коллеж ўқувчиларини транспорт билан таъминлаш масаласи бўйича сўровнома жўнатил-

Партиямиздан сайланган халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутатлик гуруҳининг асосий мақсади юртимизда рўй бераётган туб ислохотлар жараёнида электорат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда муносиб иштирок этишга қаратилган. Ҳар бир депутат ўз ваколати доирасида, депутатлик масъулиятини ҳис қилган ҳолда нафақат ёшлар, балки партия электорати манфаатлари билан боғлиқ муаммоларни депутатлик сўровлари орқали ҳал этишга ҳаракат қилмоқда.

лики, аҳоли, айниқса, ёшлар томонидан партия ташкилотлари ва депутатларга мурожаатлар сони кундан-кун ошиб бормоқда. Бу эса аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий билимлари юксалиб бораётганидан далолат.

Аҳоли томонидан келаётган мурожаатлар ва ўрганишларимиз юзасидан тегишли ташкилотларга депутатлик сўровлари киритиш натижасида улар ўз ечимини топиб, ижобий ҳал этилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг биринчи ярим йилгида депутатлик гуруҳимиз томонидан “Ўзбекэнерго” ДАК ва “Ўзбекўмири” ОАЖ раҳбариятига ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича депутатлик сўрови киритдик. Унда Ангрен шаҳридаги “Компьютер ва ахборот технологиялари” касб-ҳунар коллежини тамомлаган 51 нафар битирувчи билан уч томонлама шартнома имзоланиши акс этган. Халқ ҳўжалигида муҳим соҳа ҳисобланган “Очиқ

ди. Ушбу сўровга жавобан туман ҳокимлигидан ўқув йилининг бошланиши билан ўқувчиларни транспорт билан таъминлашнинг йўлга қўйилганлиги ҳақидаги ижобий жавоб хати олинди.

Мухтасар айтганда, партиямиздан сайланган халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутатлик гуруҳининг асосий мақсади юртимизда рўй бераётган туб ислохотлар жараёнида электорат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда муносиб иштирок этишга қаратилган. Ҳар бир депутат ўз ваколати доирасида, депутатлик масъулиятини ҳис қилган ҳолда нафақат ёшлар, балки партия электорати манфаатлари билан боғлиқ муаммоларни депутатлик сўровлари орқали ҳал этишга ҳаракат қилмоқда.

Шоҳида ДАМАНОВА, “Milliy tiklanish” муҳбири



ЎЗМТДП фракцияси аъзолари қонун лойиҳасини муҳокама қилишмоқда.

21 октябрь — Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун

Тилни авайлаш миллатни асраш демақдир

бу борада ЎЗМТДП ҳам фаол иштирок этишга интилмоқда

Ўзбекистон Республикаси “Давлат тили тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилинганига бу йил 24 йил тўлди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддасида ўзбек тили давлат тили мақомига эга эканлиги мустақамлаб қўйилган. Ўзбек тили мустақил давлатимизнинг рамзлари қаторида турайдиган ва қонун йўли билан ҳимоя қилинадиган муқаддас тинимоллардан бирига айланди.

Мамлакатимизда ўзбек тилининг давлат тили деб эълон қилиниши отабобларимиз орзу қилган ҳурликка, озоликка қўйилган биринчи қадам эди. Ўтган давр мобайнида она тилимизни янада сайқаллаштириш, бойитиш ва дунё миқёсида аҳамияти ҳамда нуфузини оширишга қаратилган қатор маданий, маънавий-маърифий ишларишлар, илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Давлатимиз томонидан маънавий тикланишнинг ижобий, бунёдкорлик моҳиятини кучайтиришга қаратилган, бир-бирини тўлдирадиган сиёсий, иқтисодий ва маданий дастурлар жаммуаси ишлаб чиқилди. Мазкур дастурни ҳаётга изчиллик билан татбиқ этиш натижасида маънавий ҳаётимизда муҳим ўзгаришлар юз берди. Миллий меросимиз, қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримиз қайта тикланди, халқимизнинг миллий маънавий дунёқараш мустаҳкамланди.

Бугунги кунга келиб жаҳон халқлари давлатимиз рамзлари — Ўзбекистон Республикаси байроғи, герби, давлат маҳфияси қаторида ўзбек тилига ҳам ҳурмат билан қараб, нафис ва бой тил сифатида юксак баҳо бериб келмоқда.

Мамлакатимизда ҳар йили 21 октябрь кунини тил байрами сифатида нишонлаш аънаънага айланиб қолган. Чунки, мамлакатимизда она тилимизни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, унинг миллий руҳини юк-

салтириш, шунингдек, лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш соҳасида қабул қилинган Давлат дастури ижросини таъминлашда устувор йўналишдаги вазифаларни бажариш кундалик ҳаётимизга тобора сингиб бормоқда. Президентимиз Ислам Каримовнинг “Юксак маънавият — енгилмас куч” асариди: “...ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоеён бўлади. Жамияти эзгу вазифалар инсон қалбига тил орқали, она алласи, она тилининг бетакрор жоғибаси билан сингади. Она тили бу миллатнинг руҳидир”, дея таъкидлаб қўйилган. Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида ўзбек тилига бўлган эътибор ва ҳурмат том маънода ўзгарди. Жамиятимизнинг барча соҳаларида, ижод ва идоравий иш юритишда она тилимиз кенг қўлланилиб келинмоқда.

Маърифатпарвар адибимиз Абдулла Авлоний «Ҳар бир миллатнинг дунёга борлигини кўрсатадиган ойнали ҳаёти тил ва адабиётидир. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмақдир», деган аниқ ва теран фикрларни баён этганда нақадар ҳақ эди. Дарҳақиқат, дунёда санокли миллатлар ўз тилига эгадир. Шундай экан, миллатимиз миллийлигини намоеён қилиб турувчи она тилимиз софлигини сақлаш, уни бойитиш ва мустаҳкамлашга алоҳида

эътибор билан қарашимиз даркор. Зеро, тил миллат тараққиётида муҳим ўрин тутди. Бу борада тил маданияти, адабий тил ва шевадор муносабати, адабий талаффуз ва стилистик мезонлар ҳақида назарий ҳамда амалий тадқиқотлар, насл ва назм тилига доир тадқиқотлар олиб бориш, ўзбек тилида ҳар хил матнлар тузиш тартиб-қоидалари чуқур изоҳланган илмий асарлар, турли ҳажмдаги изоҳли, синоним, антоним, пароним, омоним ва имло луғатлари ҳамда қўлланмалар тузиш тил маданиятини юксалтиришда катта аҳамиятга эгадир.

Ўрни келганда таъкидлаш жоизки, “Давлат тили тўғрисида”ги ва “Лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги Қонунларнинг ижросини ҳамда Давлат дастурида белгиланган тадбирларнинг босқичма-босқич бажарилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси томонидан қатор тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Зеро, партия Дастури ҳамда сайловолди Платформасида Ўзбекистонда ўзбек тили мақоми янада мустаҳкамлаш, уни оммалаштириш, халқ орасида унинг таъсири ва моҳиятини тарғиб қилиш, ёшлар онгида она тилимиз, миллий рамзларимизга нисбатан ҳурмат туйғусини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимизни асраб-авайлашга кўмаклашишга қаратилган мақсад ва вазифалар белгилаб қўйилган. Бу борада ЎЗМТДП ташкилотларида ўтказилаётган тадбирлар ёш авлодни она тилимизни чуқур ўрганиш ва унинг софлигини сақлашга ўргатиш билан бирга бошқа миллат ёшларининг ўзбек тилини ўрганишга бўлган қизиқишларини оширишга ҳизмат қилаётгани билан ҳам аҳамиятга эришди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, миллий қадриятимизнинг бир бўлаги бўлмиш ўзбек тилининг софлигини таъминлаш, уни асл ҳолатида келажак авлодга етказиш барчамизнинг вазифа ҳамда шарафли бурчимиздир. Зеро, тил миллат руҳи, бойлиги ва гултоғидир.

Махсуда ПОЯНОВА, ЎЗМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони етакчи мутахассиси

(Давоми. Боши 1-бетда)

Қонун кучга кирди

Маънавий муҳит барқарорлиги

унда маҳалланинг роли ва таъсири кучайиб бормоқда

ватлаш, яраштириш, хотин-қизлар билан ишлаш, вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари, экология ва табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссиялар тузиш белгилаб қўйилди. Уларга раҳбарлик қилиш эса фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари томонидан олиб борилади.

Халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашининг “Маҳаллий бюджетнинг шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича доимий комиссияси” ҳамда ЎЗМТДП депутатлик гуруҳи томонидан “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органилари тўғрисида”ги ҳамда “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ижросини назорат қилиш ишлари доимий

эътиборга олинган. Шунингдек, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг атроф-муҳитни муҳофаза этиш, маҳалла ҳудудини ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш, қишлоқ аҳоли пунктларининг инфратузилмасини ривожлантириш, давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 3 августдаги “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши қўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган уй-жойлар қурилиши назорати каби долзарб масалалар атрофлича ўрганилиб, таҳлил қилиб борилмоқда.

Жорий йилнинг ўзида халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессияларида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органилари фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш масалалари бир неча маротаба қўрилган бўлиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Мазкур қарорлар ижроси юзасидан депутатлик гуруҳимиз томонидан муайян ишлар

олиб борилмоқда. Хусусан, Андижон туманидаги “Хартум” қишлоқ фуқаролар йиғини ва “Бўтакора” маҳалла фуқаролар йиғинларида ташкил этилган оид тақлим ва тавсиялар берилмоқда.

ЎЗМТДП депутатлик гуруҳи ш фаолияти давомида “Обод турмуш йили” Давлат дастури-

қонун нормаларининг талаблари ижро этилишини таъминлашга ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг самарали фаолият кўрсатишига оид тақлим ва тавсиялар берилмоқда.

ЎЗМТДП депутатлик гуруҳи ш фаолияти давомида “Обод турмуш йили” Давлат дастури-

ЎЗМТДП юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларни қўллаб-қувватлаб, ижтимоий ҳаётда фуқаролик жамияти институтлари тизимини, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хусусан, маҳалла институтининг жойлардаги ролини янада кучайтириш тарафдоридир. Партия ташкилотлари жойларда бир қатор дастур ва лойиҳаларни амалга оширишда маҳаллалар билан яқин ҳамкорлик ўрнатишга интилмоқда. Электорат манфаатлари ҳимояси, маҳаллаларда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда ЎЗМТДП гоя-мақсадлари тарғиботида қаратилган кўплаб тадбир, учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилапти.

муносиб номзодларни кўрсатиш, сайловда фаол иштирок этиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. Ўтказилаётган ҳар бир учрашувда жойларда учраётган камчилик ва муаммоларга ҳам эътибор қаратилмоқда. Худудларда

да белгиланган шаҳарлар, маҳаллалар ва кўчаларни ободонлаштириш ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли саноатлигини мустаҳкамлаш ва соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ижтимоий ҳаётда фуқаролик жамияти институтлари тизимини, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хусусан, маҳалла институтининг жойлардаги ролини янада кучайтириш тарафдоридир. Партия ташкилотлари жойларда бир қатор дастур ва лойиҳаларни амалга оширишда маҳаллалар билан яқин ҳамкорлик ўрнатишга интилмоқда. Электорат манфаатлари ҳимояси, маҳаллаларда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда ЎЗМТДП гоя-мақсадлари тарғиботида қаратилган кўплаб тадбир, учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилапти.

Олиб борилаётган ислохотларнинг барчаси юртимизда намуналий маҳаллалар сафини кенгайтириш, маҳалла институтининг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини янада оширишга ҳизмат қилади.

Биродар ЮСУПОВ, халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашига ЎЗМТДПдан сайланган депутат

Партия лойиҳаси

Иқтидор эгалари кашф этилмоқда

“Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони” кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолиблари финалга йўлланма олди



(Давоми. Боши 1-бетда)

Ушбу шартлар иштирокчилар томонидан танлаган мавзунинг долзарблиги, партия сайловолди Платформасига ҳамроҳлиги билан танлов аҳамиятини янада оширди. Ҳакамлар ҳайъатининг ҳулосаларига кўра, биринчи ўринни ЎзМТДП Шайхонтоҳур туман Кенгаши вакиласи Иноятхон Ёдгорхўжаева қўлга киритди. Шунингдек, иштирокчи қизлар орасидан “Энг ташаббускор иштирокчи”, “Энг билимдон иштирокчи”, “Энг эзку-ку иштирокчи”, “Энг ёш, фаол иштирокчи”, “Энг иқтидорли иштирокчи”, “Энг доно иштирокчи” номинациялари бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

Иноятхон Ёдгорхўжаева, кўрик-танлов ғолиби:

— ЎзМТДП томонидан ўтказилган тарғибот тадбирлари, турли лойиҳалар мени партия сафига чорлади. Бугунги танловдаги иштироким эса сиёсий-хуқуқий билимларимни оширишга, ўзимга бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилди. Республика — финал босқичига пухта тайёргарлик кўриб, ғолиблар сафидан жой олишга ҳаракат қиламан.

Ўтган йиллар давомида “Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони” кўрик-танловининг Хоразм вилояти, шаҳар ва туман босқичларида 500 нафардан зиёд хотин-қиз иштирок этди. Айни пайтда улар партия шаҳар, туман кенгашларида фа-

олият кўрсатиб, партия дастур ва мақсадларининг амалга оширилишига муносиб ҳисса қўшишмоқда. Бу йил ҳам кўрик-танловнинг шаҳар, туман босқичларида 120 нафарга яқин иштирокчи ўз сиёсий билим ва иқтидорини намойиш этди. Танловнинг вилоят босқичида эса 10 нафар иштирокчи ўзаро беллашди.

Тадбирни ЎзМТДП Хоразм вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Баҳодир Бобоҷонов кириш сўзи билан очди.

— Истиқлол юртимиз хотин-қизларига иқтидор ва истеъдодини намоён этиш, ҳам оила, ҳам жамият ишида фаоллик кўрсатиши учун кенг имкониятлар эшигини очди, - деди нотик. — Бугун оқила ва доно опсингилларимиз, билимга чанқоқ, иқтидорли қизларимизнинг қўлга киритаётган ютуқлари ҳар биримизга гурур ва ифтихор бағишламоқда. Жумладан, Хоразм вилоятида партия аъзоларининг 50 фоизга яқинини хотин-қизлар ташкил этади. Улар орасида олималар, маданият ходимлари, раҳбар, тадбиркор ва депутат хотин-қизлар бор. Ўйлаймизки, мана шундай хотин-қизлар сафидан мазкур кўрик-танлов иштирокчилари ҳисобига янада кенгайди.

Эътироф этилганидек, жамият ҳаётида хотин-қизлар ролининг ошиб бораётганини сиёсий партиялар фаолиятида яққол кузатиш мумкин. Хусусан, ЎзМТДП Хоразм вилоят Кенгаши атрофида бирлашган 13 миң нафардан ортқ аъзонинг саккиз миң нафардан зиёдини хотин-қизлар ташкил қилади. Халқ депутатлари Хоразм вилоят Кен-

гашида партиядан сайланган уч нафар, шаҳар, туман кенгашларида эса 14 нафар аёл депутат ЎзМТДП электорати манфаатларини ҳимоя қилишмоқда. Партия “Аёллар қаноти” томонидан хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш, иқтидорлиларини рағбатлантириш, рўёбга чиқариш, фаоллигини янада оширишга қаратилган қатор тадбирлар уюштириб келинмоқда.

ЎзМТДП “Аёллар қаноти”нинг хотин-қизларнинг сиёсий-хуқуқий билимларини ошириш, интеллектуал салоҳиятини юксалтириш ва уларни сиёсий жараёнларга жалб этиш борасидаги турли лойиҳалари бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда. “Донолик ва ташаббускорлик - сиёсий етакчилик мезони” кўрик-танлови ҳам хотин-қизлар орасидан партиянинг мазмун-моҳияти билан яқиндан таништиришда муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда. Айниқса, жойларда ушбу кўрик-танловда иштирок этиб, ўз салоҳиятини синаб кўриш истагидаги хотин-қизлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бу эса кўрик-танловнинг нуфузи ва аҳамияти юксалиб бораётганидан далолат беради.

Дано, эзку ва ташаббускор иштирокчилар учта шарт бўйича ўзаро беллашди. Саҳнага олиб чиқилган ҳар бир кўриниш замирида халқимизнинг бой ва бетакрор маданий, маънавий, ахлоқий

ҳамда миллий анъаналарига таянган ҳолда фуқароларни миллий гурур ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, шахсининг шаклланишида оиланинг ўрни беқиёс эканлигидан келиб чиқиб, оила институти ва унинг қадриятларини мустаҳкамлаш каби эзгу мақсадлар ўз аксини топди.

Яқуний натижаларга кўра, партия Урганч шаҳар Кенгаши вакиласи Гулруҳ Қурбонова ғолиб деб топилди, кўрик-танловнинг республика босқичида қатнашиш имкониятини қўлга киритди.

Гулруҳ Қурбонова, кўрик-танлов ғолиби:

— Истиқлол имкониятларидан кенг ва самарали фойдаланиб келаётган ёшлардан бириман. Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган туртта партия мақсад ва дастури билан танишгач, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясини танладим. Чунки партиямиз ғоя ва мақсадлари айнан миллатпарварликка, ватанпарварликка асосланган. Бугунги танлов ҳаётимда энг муҳим муваффақиятлардан бирига эришимизга сабаб бўлди. Айниқса, партиядан сайланган депутат аёллар фаолиятини ўрганишимизга улкан ҳавас туйғусини уқунлантирди. Мана шу ҳавас мени ғалабага бошлаган бўлса ажабмас.

Кўрик-танловнинг Самарқанд вилоят босқичи истеъдод ва билимлар синовига айланган. Унда ЎзМТДП Самарқанд вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девонни ходимлари, партия фаоллари, халқ депутатлари

маҳаллий кенгашларга партиядан сайланган депутатлар, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят Кенгаши ходимлари ҳамда Самарқанд Давлат Университети қошидаги 2-сонли академик лицей ўқитувчилари ва ёшлар иштирок этди.

Тадбирни ЎзМТДП вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Анвар Мирзаев кириш сўзи билан очиб, партиянинг йирик лойиҳаларидан саналган мазкур кўрик-танлов ҳар йили қўллаб-қўллаб истеъдод ва юксак билим эгаларини кашф этаётганини, танловда иштирок этиш истагиди бўлган хотин-қизлар сони йилдан-йилга ошиб бораётганини алоҳида таъкидлаб, иштирокчиларга омад тилади.

Кўрик-танловнинг шаҳар ва туман босқичларида ғолиб бўлиб, вилоят босқичига етиб келган 15 нафар хотин-қиз учта шарт бўйича билим ва маҳоратларини синовдан ўтказишди. Иштирокчилар барча шартлар орқали ЎзМТДП сайловолди Платформасида илгари сурилган мақсад ва вазифаларни ифода этгани ҳамда бўлажақ депутат сифатида жойларда учраётган муаммоларни партия дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда дадил кўтариб чиқишгани танловнинг янада қизиқарли бўлишини таъминлади. Саҳнада ўзининг сиёсий етакчилик қобилиятини намоийш этган ва ҳакамлар ҳайъати томонидан берилган барча саволларга ҳозиржавоблик кўрсатган ҳамда “Агар мен депутат бўлсам” мавзусидаги лойиҳаси билан томошабинлар эътирофига сазовор бўлган партия Тайлоқ туман кенгаши вакиласи Холида Эшмуродова ғолибликни қўлга киритди.

Холида Эшмуродова, кўрик-танлов ғолиби:

— Истиқлол имкониятларидан кенг ва самарали фойдаланиб келаётган ёшлардан бириман. Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган туртта партия мақсад ва дастури билан танишгач, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясини танладим. Чунки партиямиз ғоя ва мақсадлари айнан миллатпарварликка, ватанпарварликка асосланган. Бугунги танлов ҳаётимда энг муҳим муваффақиятлардан бирига эришимизга сабаб бўлди. Айниқса, партиядан сайланган депутат аёллар фаолиятини ўрганишимизга улкан ҳавас туйғусини уқунлантирди. Мана шу ҳавас мени ғалабага бошлаган бўлса ажабмас.

Кўрик-танловнинг Самарқанд вилоят босқичи истеъдод ва билимлар синовига айланган. Унда ЎзМТДП Самарқанд вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девонни ходимлари, партия фаоллари, халқ депутатлари

Аҳолининг сиёсий-хуқуқий фаоллигини ошириш

партия ташкилотлари тадбирларининг асосий мавзусини ташкил этмоқда

АНДИЖОН

Истиқлол йилларида мамлакатимизда Давлатимиз раҳбари ташаббуси ва раҳнамолигида ёшларни ҳар томонлама етуқ ва баркамол шахс қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, ўсиб келаётган ёш авлоднинг жамиятда ўз ўрнига эга бўлиши, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, ёшларда дахлдорлик туйғусини янада кучайтириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

ЎзМТДП Андижон вилоят Кенгаши ва вилоят Хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида “Ёшлар — фуқаролик жамиятини барпо этувчи асосий куч” мавзусида тадбир ўтказилди. Унда партия фаоллари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

— Истиқлол йилларида мамлакатимизда ёшларни жисмонан, маънан баркамол қилиб тарбиялаш, уларнинг замонавий билим олиши учун шарт-шароитлар яратиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди, - деди партия вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси К.Отахонов. — Натижада фарзандларимиз юртимизда рўй бераётган ижобий ўзгаришлар ва ислохотлар жараёнида фаол иштирок этишга интиломоқда. Ўрни келганда айтиш лозимки, партия сайловолди Платформасида ёшларнинг замонавий билим, касб-кор ва мутахассисликларни эгаллашга рағбатлантириш, иқтидорли, истеъдодли ёшларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш устувор вазифа сифатида белгиланган. Мазкур соҳада амалга оширилаётган ишларга кўмаклашиш мақсадида партиямиз томонидан ташкил этилаётган ўқув-семинарлар, давра суҳбатлари ёшларда сиёсий етакчилик ва ташаббускорлик маҳоратини ошириш, уларнинг хуқуқий билимини бойитишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Давра суҳбати таклиф ва фикр-мулоҳазаларга бой тарзда ўтди. Тадбир давомида ёшлар гуруҳларга бўлиниб, ўз сиёсий билимлари юзасидан беллашдилар.

ЖИЗЗАХ

ЎзМТДП Зардоб туман Кенгаши ва “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши билан ҳамкорликда “Сиёсий ва хуқуқий маданиятни оширишнинг долзарб вазифалари” мавзусида тадбир ўтказилди. Унда партия фаоллари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

— Хуқуқий демократик давлат қуриш ва эркин фуқаролик жамиятини шакллантиришда аҳолининг сиёсий-хуқуқий саводхонлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади, - дейди тадбирни кириш сўзи билан очган партия туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Л.Пармоннов. — Шу нуқтаи назардан мустақиллик йилларида юртимизда фуқароларнинг сиёсий-ижтимоий фаоллигини ошириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Мазкур жараёнда партиямиз аҳолининг иқтисодий, сиёсий билим ва кўникмаларини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, ҳудудий ташкилотларда ўтказилаётган давра суҳбати, тадбир ва ўқув-семинарларда мамлакатимизда барча соҳаларда кечаётган демократик ўзгаришлар, қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳияти юзасидан маълумотлар берилмоқда.

Тадбирда “Сайловчилар сиёсий-хуқуқий маданиятини шакллантиришда аҳолининг сиёсий-хуқуқий партияларнинг ўрни”, “Сиёсий-мафқуравий жараёнларда жамиятнинг сиёсий-хуқуқий маданиятини ошириш бўйича ЎзМТДПнинг долзарб вазифалари” каби мавзуларда маърузалар тингланган.

Давра суҳбатида мамлакатимизда демократик ислохотлар изчил амалга оширилаётгани, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда сиёсий партияларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни тобора мустаҳкамланиб бораётганини алоҳида таъкидланди.

ҚАШҚАДАРЭ

ЎзМТДП Нишон туман Кенгаши ҳамда “Маҳалла” хайрия жамоат фонди туман бўлими, туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида “Оммавий маданиятнинг ёшлар онгига таъсири” мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда партия туман Кенгаши фаоллари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан партия туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Ш.Фармонов “Оммавий маданият”нинг ёшлар маънавияти ва ахлоқига салбий таъсири, унинг олдини олиш йўллари ҳақида фикр билдириб, жумладан, шундай деди:

— Глобаллашув жараёнида “оммавий маданият” тушунчаси моҳиятини янада чуқурроқ аниқлаш долзарб аҳамият касб этади. Бугун замонавийлик, тезкор тараққиёт билан ҳамқадам бўлиш ёшларимизнинг ҳаёт тарзига айланиб бормоқда. Албатта, бу қувонарли ҳол. Бирок давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: “Хозирги вақтда ахлоқсизликни маданият деб билиш ва аксинча, асл маънавий қадриятларни менсимасдан, эскилик сарқити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта ҳавф солмоқда ва кўпчилик бутун жаҳонда бамисоли бало қазодек тарқалиб бораётган бундай хуружларга қарши қурашиш нақадар муҳим эканини англаб олмақда”. Шу боис, ёшлар онгига жаҳон маданияти ва цивилизациясига улкан ҳисса қўшган Имом Бухорий, Бурхониддин Марғиниани, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек ва бошқа қўллаб-қувватлаш қолдирган мерос нақадар баёбах эканлигини, ота-онага ҳурмат, аёлга эҳтиром, мардлик ва жасурлик сингари туйғуларни сингирдириш барчамизнинг вазифамиздир.

Тадбир иштирокчилари ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, спорт билан мунтазам шуғулланиши учун шарт-шароитлар яратиш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Шунингдек, иштирокчилар эътиборига “Оммавий маданият — маънавиятсизликдир” фильми ҳавола этилди.

НАВОИЙ

ЎзМТДП Учқудук туман Кенгаши томонидан “Аҳолининг хуқуқий маданиятини юксалтириш” мавзусида тадбир ўтказилди. Унда партия фаоллари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

— Бугун мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётида рўй бераётган янгиликлар ва ўзгаришлар жараёнида фуқаролар сиёсий фаоллигини ошириш, хуқуқий маданиятини юксалтиришга кўмаклашиш олдимизда турган устувор вазифалардан саналади, - деди тадбирни кириш сўзи билан очган партия туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси У.Тайиров. — Аҳолининг хуқуқий онгини шакллантиришда “Жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури” ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг хуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, хуқуқшунос кадрлар тайёрлашни тақомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида”ги қарори дастуриламал бўлмоқда.

Нотик сайловчилар ва партия электоратининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлашда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга партиямиздан сайланган депутатлар ҳамда депутатлик гуруҳларининг ўрни ва ролни беқиёс эканлигини таъкидлаб ўтди. Тадбирда амалдаги қонун ва қонунчилик ҳужжатлари ҳаётига қай даражада татбиқ этилаётгани, аҳолининг қабул қилинаётган қонунлардан хабардорлиги ва ундан ўз хуқуқ ва манфаатлари йўлида қай даражада фойдаланаётгани хусусида сўз борди.

Давра суҳбати якунида талаба ёшлар томонидан Конституция моддалари юзасидан савол-жавоблар ўтказилиб, фаол иштирокчилар партия туман Кенгашининг эсдалик совгалари билан тақдирландилар.

Тўмарис Абзам, “Milliy tiklanish” мухбири

Бошланғич партия ташкилотлари — бош таянчимиз

Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш

фаолиятимиз мезони

Сиёсий партиянинг жамоатчиликка энг яқин бўғини бошланғич ташкилотлар ҳисобланади. Шу боис қуйи бўғинлар ҳар бир сиёсий партиянинг ўз электорати сафини кенгайтириш, улар манфаатларини ҳимоя қилиш ва кенг жамоатчиликка партия дастурий мақсад ҳамда вазифаларини тарғиб қилишда ўрин тутаяди. Бугунги кунда ЎзМТДПнинг жамиятдаги нуфузини янада мустаҳкамлаш мақсадида қуйи бўғинлар фаолиятини жонлантириш, уларнинг иш самардорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши Ижроия Қўмитаси томонидан ҳар бир туман, шаҳар миқёсида бошланғич партия ташкилотларининг фаолияти ҳамда улар олдида турган вазифалар юзасидан ўқув-семинарлар ўтказиб келинмоқда. Бундай тадбирларда партия электорати билан ишлашда бошланғич партия ташкилотларининг ролини ошириш, шунингдек, партия ғоясини фуқароларга чуқур етказишда тарғибот ишларини олиб боришнинг ноъанъавий шакллари эътибор қаратилмоқда.

— Қуйи бўғинлар — партиянинг бош таянчи ҳисобланади, - дейди партия Беруний туман Кенгаши қошида ташкил этилган бошланғич партия ташкилоти етакчиси Санамжон Аллақулова. — Маълумки, унинг сафи қишлоқ, турли корхона ёки ташкилотлар жамоалари асосида шаклланади. Бу эса партия ғоя ва

дастурий мақсадлари энг чекка ҳудудларимизгача кириб бориши ҳамда аҳолининг барча қатламларини қамраб олишига хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан ҳар бир қуйи бўғин ишини бугунги кун талабларини ҳисобга олган ҳолда сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, етакчиларнинг сиёсий билим ва кўникмаларини ошириш олдимизда турган долзарб вазифалардан биридир. Шунингдек, қуйи бўғинлар ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар билан ҳамкорликда иш олиб боришга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим.

Таъкидлаш жоизки, партия Беруний туман Кенгаши таркибидаги бошланғич партия ташкилотлари қабул қилинаётган қонунлар, Фармон ва қарорларнинг мазмун-моҳияти, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар аҳамиятини аҳолига тушунтириш ишларига алоҳида

эътибор қаратмоқда. Бундан ташқари партия дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда бой тарихимиз, миллий қадрият ва анъаналарни тиклаш ва ривожлантиришга кўмаклашиш юзасидан амалий саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқда.

— Мустақиллик тўғайли аждодалримиздан мерос қолган тарихий ёдгорликлар, қадамжо ва макбараларни таъмирлаш, қайта тиклашга алоҳида эътибор қаратилмоқда, - дейди С.Аллақулова. — Қуйи бўғинимиз фаоллари асосан маориф соҳаси ходимлари ҳамда ёшлардан иборат бўлганлиги боис партия сайловолди Платформасида белгиланган ёш авлодини миллий-маънавий-тарихий қадриятларимизга ҳурмат руҳида ва ўтмиш меросимизнинг ҳақиқий билимдони, замонавий билимлар эгаси этиб тарбиялашга кўмаклашиш каби устувор вазифалар ижросига эътибор қаратяпмиз. Хусусан, етакчиларимиз ташаббуси билан “Биз Ватанимизнинг ўтмиши, бугуни ва буюк келажаги билан фахрланамиз!” шиори остида олис ўтмишимиздан гувоҳлик берувчи мавжуд осори-атқалар ва табарруқ масканларда ҳашар ўтказилмоқда.

Дарҳақиқат, қуйи бўғинларнинг ёшлар билан ишлаш борасидаги фаолияти ибратга лойик. Жумладан, ёшларни турли салбий иллатлардан асраб-авайлаш, зарарли ғоя ва

мафқуралар таъсирига тушиб қолишининг олдини олишга қаратилган турли тадбирлар ўтказилмоқда. Мисол учун “Хунарманд” уюшмаси туман бўлими ва “Ёшлар қаноти” ҳамкорлигида ўтказилган “Миллий ғоя — бизнинг ғоя”, “Партия ва ёшлар”, “Ёшлар келажагимиз таянчи”, “Комил инсон ғояси”, “Миллий қадриятлар — миллий манфаатлар асоси” каби мавзулардаги давра суҳбатлари, ўқув-семинарлари ёшлар фикрини шакллантиришга, эзгу мақсадлар сари ҳаракат қилишга ундаётгани билан аҳамиятлидир.

— Партиямиз сафидаги аъзоларимиз сони йилдан-йилга ошиб бормоқда, - дейди С.Аллақулова. — Бу йил улар сафини мураббийлар ҳисобига янада кенгайтирдик. Фаолларимиз кўмагида миллий истиқлол ғояларини спорт мусобақалари билан уйғун равишда кенг оммага, айниқса, ёшларга етказишни олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Боиси, туманимиздаги ёш спортчиларнинг эришаётган муваффақиятлари партия туман Кенгаши томонидан қўллаб-қувватланиб, рағбатлантириб борилаётган. Бу ҳаракатларимиз ўз навбатида ёш спортчиларимизни янгидан-янги ютуқларни қўлга киритишга замин яратаяди.

Т.БУТУНБАЕВА, “Milliy tiklanish” мухбири

Давра суҳбати

Сиёсий партияларнинг сайловларга тайёргарлиги

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси мисолида таҳлил этилди



(Давоми.
Боши 1-бетда)

Таъкидланганидек, юртимизда истиқлолнинг илк кунларидан демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, мамлакатимизда халқаро демократик мезонларга мос сайлов тизимининг қонунчилик асослари барпо этилди. Зеро, сайловлар демократик ҳуқуқий давлатнинг узвий белгиси бўлиб, халқ хоҳиш-иродасини эркин ифода этиши ҳамда фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини таъминлашнинг муҳим мезонидир.

2014 йилда мамлакатимизда Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловлар ўтказилиши сиёсий партияларнинг сайлов жараёнларига тайёргарлигини таҳлил қилиш, ўрганиш ҳамда мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича муҳим чора-тадбирларни ишлаб чиқишнинг талаб этади. Бу эса, ўз навбатида, партияларнинг навбатдаги сайловларда фаол иштирокини таъминлашга ҳисса қўшади.

Давра суҳбатида Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти лойиҳа раҳбари Шухрат Якубов 2012 йил ва жорий йилнинг ҳозирги даврига қадар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва вилоят Кенгашларида бўш қолган депутатлик ўринларига ўтказилган сайловлар ва уларда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг иштироки бўйича амалга оширилган мониторинг натижалари юзасидан маъруза қилди.

— Юртимизда кечаётган демократик ислохотлар жараёнида давлат ҳокимияти вакиллик органларига ўтказилган сайловларда сиёсий партияларнинг иштирокини янада кучайтириш долзарб масалалардан биридир. Айниқса, 2014 йилда мамлакатимизда Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловлар ўтказилишини эътибор олган ҳолда сиёсий партияларнинг сайлов жараёнларига тайёргарлигини ўрганиш ҳамда соҳада учраётган айрим камчиликларни бартараф этиш бўйича муҳим чора-тадбирларни ишлаб чиқиш лозим. Зеро, бу сиёсий партияларнинг навбатдаги сайловларда фаол иштирокини таъминлашга ҳисса қўшади.

Ўрганиш натижалари ЎзМТДПнинг сайловлардаги фаоллиги тобора юксалиб бораётганлигини кўрсатди. Хусусан, 2012 йилнинг иккинчи ярми ва жорий йилда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ҳар бир сайлов округи учун номзод кўрсатишга эришган. Шунингдек, ЎзМТДП томонидан депутатликка номзод кўрсатишга аёлларга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлаш жоиз. Хусусан, жорий йилнинг ўзида партия то-

монидан кўрсатилган 49 нафар номзоднинг 20 нафари, яъни 40,8 фоизини аёллар ташкил этган. Бу мамлакатимизда аёлларнинг жамият сиёсий тизимидаги фаоллигини юксалтириш билан боғлиқ ислохотлар мазмунига мослиги билан эътиборлидир.

Мониторингда юқоридаги ижобий ҳолатлар билан бир қаторда фойдаланилмаган имкониятлар мавжудлигини ҳам қайд этиш лозим. Жумладан, депутатликка номзод кўрсатишда партиянинг барча ҳудудий ташкилотлари бирдек фаоллик кўрсата олмапти. Шунингдек, партия томонидан айрим сайлов участкаларида сиёсий партиянинг кузатувчиси ва ваколатли вакилини бириктиришда айрим муаммолар ҳолатлар кузатилади. Бундан ташқари партия томонидан депутатликка номзоди кўрсатилган шахслар томонидан сайлов арафасида ўз номзодини қайтиб олиш билан боғлиқ ҳолатлар ҳам учради. Сиёсий партиялар томонидан депутатликка номзод кўрсатишга оид аниқ ва самарали мезонлар ишлаб чиқилмаганлиги, сайлов комиссия-ярига номзодлар ҳақидаги маълумотларни тўлиқ ва сифатли тақдим этмаслик ҳолатлари кузатилаётгани, шу билан бирга партияда фаолият олиб борманган, унинг дастур ва мақсадларини билмайдиган, мансабдор шахсларнинг номзодини кўрсатиш амалиёти қўлланилаётганини ҳам камчиликлар сифатида қайд этиш мумкин, - деди нотик.

Давра суҳбатида ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари Жалолиддин Сафоев маъруза қилиб, 2014 йилги сайловларга тайёргарлик ва партия томонидан бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирларга эътибор қаратди.

— Парламент палаталари қўша мажлисида давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси” миллий сайлов тизимини янада ривожлантириш ҳамда эркинлаштириш, унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришда янги босқични бошлаб берди. Бугунги кунда сиёсий партияларнинг сайлов жараёнларида эркин, фаол иштирок этиши, уларнинг сайлов ҳуқуқлари тўлиқ амалга оширилишини мустақам қафолатлайдиган ташкилий-ҳуқуқий, моддий-техник шароитлар яратилди. Бу ўз навбатида сиёсий партиялардан янада фаоллигини талаб этади.

Давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига бўладиган навбатдаги сайловларда муносив иштирок этиш барча сиёсий партиялар қатори ЎзМТДП учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, барча даражадаги партия ташкилотларининг асосий фаолияти келгуси сайловда энг илбор бўлиш масаласига қаратилмоқда. Жумладан, жойларда қатор ўқув-семинарлар ташкил этилиб, “Сайлов эркинлигини бундан буён ҳам таъминлашни ва сайловга оид қонун ҳужжатларининг ривожлантирилиши му-

носабати билан “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги ҳамда “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларида ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан ишлаш, оммавий ахборот воситаларида таъсирчан чиқишлар қилиш каби кўникмаларини шакллантириш юзасидан амалий машғуллар ўтказилмоқда. Бу каби саъй-ҳаракатлар келгуси сайловларда ижобий натижаларга эришишда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз, - деди нотик.

Тадбирда партиянинг 2014 йилдаги сайловларга тайёргарлик ишларини кучайтириш, депутатликка номзодлар ҳамда сиёсий партиянинг кузатувчиси ва ваколатли вакиллари захирасини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиши лозимлиги таъкидланди. Шунингдек, партия наشري — “Миллий тикланиш” газетаси ва веб-сайтида партиянинг сайловлардаги иштироки ҳақидаги материалларни тизимли тарзда ёритиб бериш, депутатликка номзодлар томонидан сайловдаги ташвиқоти аналга оширишда қонунчиликда жорий этилган янги усуллардан самарали фойдаланиш юзасидан таклифлар ўртага ташланди.

Давра суҳбатида сиёсий партиялар томонидан имзо тўплаш жараёни, депутатликка номзод кўрсатишда ҳудудий партия ташкилотларининг кадрлар захирасига алоҳида аҳамият қаратиш зарурлиги қайд этилди. Тадбир давомида сиёсий партиялар томонидан депутатликка номзод кўрсатишга оид партия фаолияти, сиёсий партиялар ва депутатликка номзодлар томонидан сайловдаги ташвиқотини амалга оширишда сайлов қонунчилигига киритилган янгиликлар, сайловда ташвиқотининг шакллари, турлари ва усулларидан фойдаланиш масалалари, сиёсий партиялар томонидан кузатувчи ва ваколатли вакил институтидан фойдаланиш амалиёти ҳамда сиёсий партиянинг ваколатли вакили фаолиятини янада кучайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Давра суҳбати якунида сиёсий партияларнинг сайловларда иштироки, хусусан, депутатликка номзод кўрсатиш, сайловдаги ташвиқотини амалга ошириш ҳамда сайлов участкаларига кузатувчи ва ваколатли вакиллари бириктиришга оид фаолияти юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Қамолiddин САИДУЛОВ,
“Milliy tiklanish” мухбири



Оролбўйида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий хизмат сифатини ошириш, соғлиқни сақлаш тизимининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар ўзининг юксак самараларини бермоқда.

Нужус шахридаги Республика кўп тармоқли тиббиёт марказида тиббий хизмат сифатини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги таъкидланди. 375 ўринли шифо

масканида физиотерапия, диагностика, лаборатория каби 14 бўлим мавжуд. Уларда 101 шифокор ва 255 ҳамшира меҳнат қилмоқда. Бу ерда беморларга аниқ ташхис қўйиш, жарроҳлик амалиётини бажариш ва даволашга замонавий тиббиёт ускуналаридан кенг фойдаланилмоқда.

Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ (ЎЗА)
олган суратлар.

Қарор ва ижро

Моддий ва номоддий мерос муҳофазаси

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида моддий ва номоддий маънавий меросни муҳофазалаш борасида амалга оширилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” ва Интеллектуал мулк агентликлари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда тегишли ташкилотлар вакиллари ва мутахассислар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги бош директорининг ўринбосари Д.Қўчарова, Интеллектуал мулк агентлиги бош директорининг ўринбосари М.Бобожонов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида моддий ва номоддий меросни асраш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар ёшларни тарихимизга ҳурмат-эҳтиром руҳида камолга етказиш, эзгу қадриятларимизнинг бардавомлигини таъминлашга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда моддий ва номоддий меросни қўллаб турлари мавжуд. Архив ҳужжат-

лари ва интеллектуал мулк объектлари улар орасида ўзига хос ўрин тутди. Бугунги кунда мамлакатимизда юздан зиёд давлат, ўн мингдан кўпроқ шахсий таркиб ҳужжатлари ва идоравий архивлар фаолият юритмоқда. Ушбу йўналишда бир нечта нодавлат муассасалар ҳам иш юритаётди. Мазкур моддий мерос иншоотларида қарийб ўн уч миллион сақлов бирлигидаги ҳужжат мавжуд. Шунингдек, патент ҳужжатлари давлат фондида етмиш олти миллион нусхадан кўпроқ интеллектуал мулк манбалари сақланмоқда.

Ушбу ноёб манбаларни асл

ҳолича асраш, келажак авлодларга етказиш, архивлар ва интеллектуал мулк манбалари фондларини янада бойитиш, соҳага замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 26 августдаги “Ўзбекистон Республикасида архив ишини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ҳамда “2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофазалаш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорлари бу борадаги ишларни такомиллаштиришда муҳим дастурий асос бўлаётди.

Архивларимизнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларда сақланаётган ноёб манбаларни муҳофазалаш мақсадида тизимли ишлар олиб

борилмоқда. Кейинги йилларда тўртта архив биноси тўлиқ реконструкция қилиниб, ўн саккизта замонавий янги бино барпо этилди. Архивларда сақланаётган бир қанча ҳужжатларнинг электрон нусхалари яратилди.

“Ўзархив” агентлиги номоддий маданий меросни асраш ва тарғиб этиш борасида Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тарих институти билан ҳамкорликда «Оғзаки тарих» лойиҳасини амалга оширмоқда. Мазкур лойиҳа номоддий меросни моддий асосга ўтказиш, архивларда сақлаш, тарихимизнинг муҳим даврларига оид маълумотларни келажак авлодларга етказишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Матбуот анжуманида архив ҳужжатлари ва интеллектуал мулк объектларини муҳофазалаш, мазкур фондларни янада такомиллаштириш ва бойитиш борасидаги ҳамкорлик самаралари юзасидан атрофлича маълумот берилди.

Жой номлари — тарих кўзгуси

Жиззахда вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича ҳудудий комиссиянинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 октябрдаги “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ географик объектларнинг номлари соҳасидаги ишларни тартибга солиш чора-тадбирлари ҳақида”ги қарори ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилинди.

Тадбирда географик объектларни номлаш ва янги номлар беришда атамаларнинг давлат тили талабларига, тарихий, миллий қадриятларимизга мос, айниқса, ёшларда ватанпарварлик ва фахр-ифтихор туйғуларини ўйғотадиган номлар қўйилишига алоҳида эътибор қаратилиши лозимлиги таъкидланди.

Вилоятда бир-бирини тақрорлайдиган номлар борлиги, уларни шу жойларнинг тарихий, миллий хусусиятларини ифода қиладиган номлар билан қайта номлаш ҳудудий комиссиялар олдида турган асосий вазифалардан экани қайд этилди.

— Ҳудудий комиссия ва ишчи гуруҳлари томонидан географик объект номи халқ ижоди маҳсули сифатида содда, оддий, кўпчилик учун тушунарли, ама-

лий ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлиши керак, - деди географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича вилоят ишчи гуруҳининг раҳбари, вилоят ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчиси Олимжон Мелибоев. — Шу талаб асосида вилоятдаги географик иншоотлар номларининг илмий, тарихий, миллий, топонимик хусусиятлари тўлиқ ўрганилмоқда. Географик объектларни номлаш ва қайта номлашни халқимиз миллий анъаналари ва менталитетига, географик объектнинг жойлашган ҳудудига, табиий, ижтимоий-иқтисодий, ўша жойда яшовчи аҳолининг лисоний хусусиятларига мос келишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги таъкидланди.

2013 йил — Обод турмуш йили

АЁЛ СОҒЛОМ БЎЛСА — ЖАМИЯТ БАРҚАРОР

Пойтахтимизда 7-12 октябрь кунлари аёллар ўртасида кўкрак беzi саратонининг олдини олишга бағишланган саломатлик кунлари ўтказилди. Ушбу тадбир «Ҳаёт учун» кўкрак беzi саратони миллий уюшмаси, «Аёллар кенгаши» жамоат бирашмаси, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Salus vita», «MDS сервис» клиникалари ҳамкорлигида ташкил этилди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида тиббий-ижтимоий соҳада амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, ташхис қўйиш ва даволаш борасида илгор технологияларни ишлаб чиқиш, хасталикнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар самарасида мамлакатимизда онкологик касалликлар билан хасталаниш ҳолатлари тобора камайиб бораётди.

“Обод турмуш йили” Давлат дастури доирасида

бу йўналишдаги ишлар қўлами янада кенгайди. Бу борадаги устувор вазифа-ларни ҳаётга таътиб этишда нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳам фаол иштирок этмоқда. “Ҳаёт учун” кўкрак беzi саратони миллий уюшмасининг тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари, тиббиёт масканлари билан ҳамкорликдаги лойиҳалар бунга мисолдир.

Марказ томонидан мунтазам амалга оширилаётган тиб-

бий-ижтимоий лойиҳаларга кейинги беш йил мобайнида йигирма етти минг нафардан кўпроқ аёл қамраб олинди ва улар замонавий тиббий технологиялар ёрдамида бепул малакали шифокорлар тиббий кўригидан ўтказилди.

Бир ҳафта давом этган навбатдаги саломатлик кунларида пойтахтимизда истикомат қилувчи аёллар «Salus vita», «MDS сервис» клиникаларида чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди. Касаллик профилактикаси, соғлом турмуш тарзи бўйича тушунириш ишлари амалга оширилди.

— Бундан уч йил аввал гинекологик хасталик туфайли операция бўлган эдим, - дейди Олмазор туманининг Қорақамиш даҳасида яшовчи Наргиза Валиева. — Оилавий поликлиникамиз шифокорла-

ри соғлигимни доимий назорат қилиб келмоқда. Ушбу йўналишда чуқурлаштирилган тиббий кўриқ ташкил этилганини эшитиб, «Salus vita» клиникасига келдим. Бу ерда энг сўнгги тиббий кўригидан ўтказилди бепул малакали шифокорлар ёрдамида бепул чуқур текширувдан ўтдим. Натижалари қувончли чиқди. Мамлакатимизда хотин-қизлар соғлигини асраш борасида яратилаётган бундай қулайликлар умримизга умр қўшмоқда.

“Ҳаёт учун” кўкрак беzi саратони миллий уюшмасидан маълум қилишларича, лойиҳанинг ноябрь ойида бўладиган навбатдаги босқичида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида яшовчи аёлларни тиббий кўриқдан ўтказиш режалаштирилган.

ЎЗА

Маънавият

Тараддуд

“Олтин гепард”:

ташкilotчилар кутган натижаларни бермоқда

“ART WEEK STYLE. UZ — 2013” санъат ҳафталиги доирасида 19 октябрдан 24 октябрга қадар ўтказилди. III “Олтин гепард” Тошкент халқаро кинофорумига тайёргарлик ишлари якунига етай деб қолди. Бу гаги йирик киноанжуман “XXI аср тамаддунилари: маданиятлар мулоқоти” мавзусига бағишланган бўлиб, ушбу мавзу лойиҳанинг асосий ғоясини ифода этади. Кинофорумнинг бу йилги шiori - “Кўзгу ва тилсимда, акс-садо ва мажозий ифодада” деб танланди. “Олтин Гепард” Тошкент халқаро кинофоруми бош ди-ректору, санъатшунослик фанлари доктори, академик Акбар Ҳаки-мов билан кинофорумга тайёргарлик борасида олиб борилаётган ишлар юзасидан суҳбатлашдик.



— Акбар ака, III “Олтин гепард” Тошкент халқаро кинофорумига тайёргарлик ишлари ҳам якунига етай деб қолди. Дастлаб, ана шу жараён ҳақида суҳбатлашсак.

— Санъат инсон маънавиятини юк-салтиришига хизмат қилиши лозимлиги, айниқса, “Олтин Гепард” биринчи халқ-қаро кинофоруми кунларида яққол сезилган эди. Биз уни анъанавий бўлиши-ни истагандик. Бу йил халқаро кинофо-румни учинчи бор ўтказамиз. Унга тайёр-гарлик жараёни аввалгиларига нисба-тан оsonроқ кечмоқда. Чунки, вақт ўтган сайин тажриба орттириб бораёпмиз.

Учинчи “Олтин гепард” кинофоруми учун танловга киритилган фильмларни саралаш босқичида комиссиянинг кино танқидчилар, режиссёр, актёр ва хо-рижий экспертлардан иборат аъзолари 157 та тўлиқ метражли бадий, 230 та қисқа метражли ҳамда 86 та анима-цион фильмларни кўриб чиқиди. Са-ралаш натижасида 11 та тўлиқ, 13 та қисқа метражли ва 10 та анимацион, жами 34 та фильм танлаб олинди. Са-ралашдан ўтган ва танлов дастурига киритилган фильмларни баҳолаш учун маҳаллий ва хорижий кино арбоблар-дан иборат халқаро ҳакамлар ҳайъати тузилди. Улар голибни яширин овоз бериш орқали аниқлашади.

— Бу йилги кинофорумнинг да-стури ва географияси ҳақида нима-лар дея оласиз?

— “Олтин Гепард” Тошкент халқаро кинофоруми дирекцияси жорий йил-нинг 26 февралдан танловга киритил-ган ва танлов дастурларида иштирок этадиган тўлиқ, қисқа метражли ва ани-мацион фильмларни қабул қилишни бошлаган эди. Аризаларни қабул қилиш 10 июлга қадар давом этади. Кинофо-румнинг кўлами ва доираси йилдан-йилга кенгайиб бораётганлигини та-нловга келган аризалар миқдоридан ҳам билса бўлади. Кинофорумда иштирок этиш учун бу йил Европа, Осиё, Афри-ка, Шимолӣ ва Жанубий Америка, Германия, Франция, Туркия, Италия, Венгрия, Польша, Болгария, Корея Республикаси, Хитой, Вьетнам, Эрон, Бразилия, Ҳиндистон каби дунёнинг 45 дан зиёд мамлакатидан аризалар келиб тушди.

Кинофорум номинацияларида ўзга-риш йўқ. Тўлиқ метражли фильмлар йўналишида тўртта, қисқа ва анимаци-он йўналишдаги фильмларда эса бит-тадан номинация ўз голибни кутмоқ-да. Бу йил ҳам ҳакамлар ҳайъатига Хитой, АҚШ, Япония, Россия, Герма-ния каби мамлакатлардан дунёга маш-хур кино санъати мутахассислари жалб этилган. Мухтасар айтганда, кинофо-рум дастури иштирок этиши кутилаёт-ган таниқли хорижий меҳмонлар бил-лан жуда бой, мазмунли ва қизиқарли бўлиши шубҳасиз.

— Кинофорум доирасида ҳар йили турли лойиҳалар билан бир қаторда маҳорат сабоқлари, илмий конференциялар ҳам ўтказилиши анъанана айланмоқда. Бу йил яна қандай янгиликлар бўлиши кутил-моқда?

— Бу йил ижодий учрашувлар тарзи-даги маҳорат сабоқларидан кўра тўла-қонли тренинглар ўтказишни маъқул топдик. Ешлар саройида ўтказилди-ган мазкур тренингдан нафақат талаба-лар, балки ёш кинематограф, ре-жиссёр, тасвирчи ва сценаристлар ҳам иштирок этишади. Икки-уч кун даво-мида турли сабоқлар, вазибалар бе-рилади, машғулотлар олиб борилади. Биз кино таълими соҳасини янада кен-гайтириш ва бойитиш ниятидамыз. “Ол-тин гепард” кинофоруми кунларида хо-рижлик мутахассислар ёш кинематог-

рафларимиз учун туркум тренинглр ўтказиб беришади. Кинофорум даво-мида таълим соҳасида яна бир қанча лойиҳалар билан танишиш имконига эга бўламиз.

Кинофорумнинг яна бир янгилиги шундан иборатки, бу йил нафақат Тошкентда, балки Самарқандда ҳам томошабинлар билан учрашув ва кино намойишлар ташкил этиш ре-жалаштирилган.

Кинофорум доирасида ҳар йилги-дек Франция элчихонаси билан ҳам-корликда лойиҳа амалга оширилади. Бу йил франциялик таниқли актриса-лар Сандрин Боннер, Жюльет Бинош, Лейла Бехти иштирокидаги француз фильмлари намойиш этилади. Шу-нингдек, конкурсдан ташқари Корея, Германия, Болгария, Польша кино ижодкорлари томонидан суратга олинган 5 та ҳужжатли фильм намой-иши ҳам режалаштирилган. Бундан ташқари, кинофорумга ҳакамлар ҳайъати аъзолари томонидан олиб ке-линган махсус фильмлар намойиши ҳам бўлиб ўтади. Замонавий ўзбек киноси панорамаси, янги фильмлар намойиши кинофорумнинг анъанавий бир қисми бўлиб қолади.

Ҳозирги глобализация даврида дунё мамлакатлари кинематографияси мил-лий ўзлигини, миллий психология ва тарихий ўзига хосликларни сақлаб ола-ётгани, деган масалалар юзасидан “Глобал дунёда миллий кино” мавзу-сида илмий конференция ўтказилади. Уйлайманки, бу анжуман кўпчиликини қизиқтиради. Биз кинофорум доираси-да ўтказадиган барча илмий анжуман-лар, маҳорат сабоқлари бугунги ижо-дий жараёни англаш, жаҳон кино санъ-ати тараққиётини ўрганиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш имконини беради. Конференция иштирокчилари илмий маърузалар билан бирга кинофорум ва ўзбек кино санъати ҳақидаги ўз қараш-лари, фикр-мулоҳазаларини билдири-шади. Биз учун хориж мутахассислар-нинг бугунги кино санъатини ҳақидаги хулосалари ва унинг ривожланишида “Олтин гепард” кинофоруми қандай роль ўйнаётганини билиш жуда муҳим. Дунё миқёсидаги бошқа кинофестивалларда бундай илмий-амалий учрашувлар деяр-ли ўтказилмайди. Айни шу ҳолатни “Ол-тин гепард” кинофорумининг ютуғи ва ўзига хос жиҳати, деб ҳисоблаш мумкин. Шу боис ҳам у кинофестиваль эмас, кинофорум деб номланган.

— “Олтин гепард” кинофоруми-нинг миллий кино санъатимиз ри-вожидидаги ўрнини қандай баҳолай-сиз?

— Мазкур кинофорум миллий кино санъатимиз ривожига, шубҳасиз, кат-та таъсир кўрсатади. Ва яна айтиш жоизки, унинг тараққиёт мезонларини белгилаб бермоқда. Кинофорум жа-раёнида таниқли мутахассислар жаҳон киносидаги тенденциялар, янги йўна-лиш ва услубларга эътибор қаратиша-ди, тажриба алмашилади, ютуқ ва кам-чиликлар муҳокама қилинади.

Кинофорумнинг яна бир муҳим жиҳа-ти, у ўзбекистонда қисқа метражли филь-лар ривожига катта ҳисса қўшмоқда. Авваллари бу борадаги натижалар бил-лан мақтана олмас эдик. Қисқа метра-жли фильмларни суратга олиш ҳам осон-роқ, ҳам кам маблағ талаб этади. Бирин-чи кинофорумда қисқа метражли филь-лар рағбатлантирилгани боис бундай картиналар бизда ҳам кўпая бошлади.

Миллий кино санъатимизнинг ўзига хос, бетакорр анъана ва мактабларини асраб-авайлаш, уни юртимиз ва хо-рижда кенг тарғиб қилиш, ўзаро ҳам-корлик алоқаларини мустаҳкамлаш, ёш истеъодларни излаб топиш, уларни ҳар томонлама рағбатлантириш, қўллаб-қувватлашни мақсад қилган мазкур кинофорум ташкилотчилар кут-ган натижаларни бермоқда, десак ян-гилишмаймиз. У, айниқса, ёш ўзбек кино ижодкорлари учун катта имкониятлар эшигини очмоқда.

“Milliy tiklanish” мухбири
Э.ДОРИПОВ
суҳбатлашди



Фаргона вилояти Фурқат туманида жорий ўқув йили-да янги болалар мусиқа ва санъат мактаби фойдаланишга топширилади.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 8 июлда қабул қилин-ган “Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолияти-ни янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжал-ланган Давлат дастури тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида барно этилган мазкур 12-болалар мусиқа ва

санъат мактабида ёшларнинг мусиқа ва санъат бораси-даги билими, иқтидорини шакллантириш учун барча ша-роит яратилган. Айни пайтда мактабда 65 нафардан зиёд ўғил-қиз халқ чолғу асбоблари, анъанавий чолғу ижрочилиги, фортепьяно, торли чолғулар, рассомлик, театр санъати, халқ амалий санъати йўналишларида таҳсил олмақда.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎЗА)
олган суратлар.

Нигоҳ

МУЗЕЙЛАР

тарихнинг “жонли гувоҳлари”

Халқимизнинг маънавий бойлиги бўлган музейлар тарих-дан гувоҳлик берувчи, ўтган кунларимиз ҳақида авлодларни воқиф этувчи олтин меросимиздир.

Ватанимиз мустақилликка эриш-гач музейлар фаолиятини замон талаблари даражасига кўтариш, уларни янги, ноёб топиш билан бойитиш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазир-лар Маҳкамасининг “Музейлар фа-олиятига тааллуқли меъёрий ҳуж-жатлар тўғрисида”ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Му-зейлар тўғрисида”ги қонуни соҳа-ни такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда Навоий вилояти-да 12 та давлат, 7 та соҳа, 3 та жамоатчилик ва 27 та мактаб, жами бўлиб 49 та музей фаолият кўрсат-моқда. Биз мазкур мақолани тай-ёрлаш жараёнида вилоят ўлкашу-нослик музейида бўлиб, ўзида бой тарих ва миллий қадриятларимиз-ни жамулам этган маданий муас-сасада олиб борилаётган амалий ишлар ҳамда вилоят ҳудудидаги бошқа бир қатор музейлар фаоли-ятига оид маълумотлар билан яқин-дан танишдик. Музей биносига ки-ришимиз билан кўз ўнгимизда энг аввало узоқ ўтмишимизнинг бир бўлаги яққол гавдаланди. Унда ўзбек кулчиликнинг ноҳиди ман-балари ҳисобланган кўза, қумғон каби сопол маҳсулотларнинг тур-ли асрларга махсус бўлган турла-ридан тортиб, узоқ ўтмишда аж-додларимиз фойдаланган уй-рўзгор буюмлари, унармандчилик-нинг ноёб тури бўлган каштачилик

намуналарига ҳам алоҳида жой аж-ратилган. Музейнинг эътиборга лойик экспонатларидан бири ноёб тангалардир. Улар XIX асрга ман-суб бўлиб, XX аср бошларигача муомалада бўлган.

— Айни пайтда вилоят ўлкашу-нослик музейида 1500 га яқин экс-понат мавжуд. Уларни асраб-авай-лаш мақсадида ишлов бериш, қайта таъмирлаш ишлари ниҳоя-сига етказилди. Хорижий ва ма-ҳаллий сайёҳларга замонавий та-лаблар асосида хизмат кўрсатиш мақсадида “Мустақиллик” экспо-зицияси устида иш олиб бормоқ-дамиз, - дейди муассаса директо-ри Рамазон Эгамов.

Суҳбатдошимизнинг таъкидла-шича, мазкур маданий масканда ажодларимиздан бизга мерос бўлиб келаётган кўп минг йиллик умминсоний қадриятларимиз, бой маданиятимиз, урф-одатларимиз-га доир моддий бойликлар асоси-да янги кўргазмалар тайёрланмоқ-да. Энг муҳими, мустақиллик йил-ларида вилоятдаги иқтисодий-иж-тимоий ва маданий соҳаларда эри-шилган ютуқларни ифодаловчи янги коллекциялар тўплаш ишлари бошланган. Масалан, “На-воий эркин индустриал иқтисодий ҳудуд тарихи”, “Навоий-мулти-модал, халқаро аэропорт тарихи”, “Навоий. Умид ниҳоллари-2012” болалар спорт ўйинлари универ-сиадаси тарихи, “Навоий вилояти-нинг ранг-баранг табиати ва эко-

логияси” мавзуларидаги экспонат-лар томошабинлар учун қизиқарли ва фойдали, музейшунослигимиз учун эса аҳамиятлидир. Музей хо-димлари томонидан вилоятнинг бой тарихи ва меросини ёш авлод-га етказиш, ўғил-қизларнинг бу борадаги тафаккур ва тушунчалари-ни кенгайтириш мақсадида олий ва ўрта-махсус таълим муассаса-лари, халқ таълими тизими, шу-нингдек, ЎзМТДП Навоий вилоят Кенгаши Ижроия кўмитаси билан ўзаро ҳамкорликда бир қатор тад-бирлар ўтказиб келинмоқда. “Та-рихисиз — келажак йўқ”, “Миллий қадриятларни улуглаб”, “Миллий хунармандчилик — миллий гурур”, “Биз ватан дилбандларимиз”, “Му-зейлар — тарих солномасидир” каби тадбирлар шулар жумласи-дандир. Таъкидлаш жоизки, вило-ят музейи тасарруфидаги Кармана туман Қосим Шайх мажмуа музейи, Мавлоно Ориф Деггароний тари-хий музейи ҳамда Сармишсой та-биий-археологик музей кўриқхо-насида ҳам эътирофга молик иш-лар амалга оширилмоқда. Жумла-дан, Сармишсой табиий-археоло-гик мажмуа музей кўриқхонасида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари асосида 2004-2010 йил-ларда 3 маротаба Вазирлар Маҳ-камасининг ЮНЕСКО ишлари бўйи-ча комиссияси, Ўзбекистон Фан-лар Академияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида “Сармиш-сой маданий меросини илмий ўрга-ниш, асраш ва бошқариш” мавзуи-да халқаро илмий-амалий анжу-манлар ўтказилди. Дунёнинг кўплаб мамлакатларидан эликдан ортик мутахассислар жалб этилган ан-жуманлар доирасида мутахассис олимлар Сармишсой дарасининг табиати, археологияси, ундаги қоятош суратларига доир ўз ил-мий-тадқиқотларини баён қилиш-ди. Натижада ажодларимиз ярат-ган бой маданий меросимиз тўғри-сида жуда кўп билим ва маълумот-

ларга эга бўлдик. Сармишсой да-расидаги етти минг йиллик тарих-га эга беш мингдан ортик қоятош суратлари, Ўзбекистон “Қизил ки-тоби”га киритилган қирқ тўққиз турдаги ўсимлик ва ҳайвонлар ана шулар жумласидандир.

Музейлар фаолиятини янада яхшилаш, соҳа ва жамоатчилик музейларини ривожлантириш, улардаги хизматларни замон та-лаблари даражасига кўтариш мақ-садида экскурсоводларнинг кас-бий кўникмаларини ошириш, улар-нинг сайёҳлар ва юртимиз меҳ-монларига бой маданий мероси-миз, ажодларимиздан бизгача етиб келган ноҳид ашёлардан ибор-ат экспонатлар ҳақида мукамал ва аниқ маълумотлар беришни таъминлаш мақсадида муайян иш-лар амалга оширилмоқда. Қили-наётган сайёҳ-харакатлар боис соҳа ривож таъминланмоқда. Масалан, Навоий кон-металлургия комбинати-нинг «Фарҳод» маданият саройи тасарруфидаги музейида олиб бо-рилаётган барча ишлар юқори да-ражада, замонавий музейшунос-лик асосида ташкил этилганлиги билан эътирофга молик. Шунинг-дек, “Қизилқуммент”, “Навоий-азот”, вилоят прокуратураси, ви-лоят ИИБ соҳа музейлари ҳамда вилоят Халқ таълими бошқармаси тизимидаги ўнлаб мактаб музей-лари фаолиятида ҳам сезиларли юксалишлар кузатилмоқда.

Мухтасар айтганда, мозий ва келажани боғлаб туровчи кўприк воситасини ўтаётган музейларни замон талаблари даражасига кўта-риш, юртимизга ташир буюраёт-ган сайёҳларга намунали хизмат кўрсатишни ташкил этиш мақса-дида қилинаётган хайрли ишлар-нинг кўлами кенг. Зеро, миллий маънавиятимиз, урф-одатларимиз, қадриятларимизни тарғиб қилувчи бу масканлар бизга доимо ўзлиги-мизни англашиб туради.

Ўралой ТУРДИЕВА,
“Milliy tiklanish” мухбири

Экотуризм

ҚҲЙТОШ — СЎЛИМ МАСКАН

Қўйтош бир-бирига туташ баланд тоғлари, муздек шаффоф булоқ сувлари ва бепоён йўловлари билан беҳиштиёр киши диққат-эътиборини ўзига тортлади. Осмонўпар Қорақўш чўққиси узра парвоз қилаётган бургутнинг виқорли салобатини, Хонтоғи қоясидаги тоғ эчкиларининг тошдан-тошга сакраб юришини кузатдик. Каклик, саъва ва булбулларнинг хонишалари кўнгилларини яйратиб юборади. Кийикўт, андиз, наъбаткак каби доривор гийёҳларнинг хушбўй ҳидини айтмайсизми?

Тоғ ён-бағирларидаги харсанг тошларга диқ-қат билан разм солганимизда гўё уйлар, унинг атрофида эса бир отар сурув ёйилиб юргандек туюлди. Қоялари одам гавдасини эслатади. Қаршимизда яна бир қанча шакллар гавдалан-ди. Шу атрофда яшовчи кексалар тоғ ҳақида бир қанча ривоятларни сўзлаб беришди. Эмишки, қадим замонда бир жодугар қиз

бўлиб, у хусну латофатда тенгсиз ва гоят сулув бўлган экан. Лекин сеҳргарлиги билан атроф-даги тирик мавжудотларни бир зумда тошга айналтириб қўйишдек қобилиятга эга экан. Хоҳласа дов-дарахт, экин-тикин ва гиёҳларни кутилмаганда қовжиратиб қўяр ёки бўлмаса сув тошқинларини вужудга келтириб, талофат-лар ёғдираркан. Кунларнинг бирида сеҳргар қиз яйловда қўй боқиб юрган чўпон йигитга дуч келибди. Йигит қизга ёқиб қолганлиги учун қалби уни сеҳрлашга йўл қўймабди ва улар бир-бирлари билан учрашиб турадиган бўли-шибди. Лекин вақт ўтиши билан йигитнинг кўнгли ундан совий бошлабди. “Гарчи қома-тинг келишган бўлса-да, одамларга бемехр-сан, ёвузликни касб қилиб олгансан. Ҳамма сендан нафратланади, - дебди йигит унга. Шунда қиз йиғлаб-йиғлаб жажл устида чўпонни ҳам, яйловда ўтлаб юрган қўйларни ҳам бир зумда тошга айналтириб қўйибди.

Шу-шу, бу жойлар Қўйтош, деб номланган экан. Ушбу ривоятни тинглар эканмиз беҳи-тиёр чўпон йигитнинг эътиқоди ва мардлигига таҳсинлар ўқидик.

Тилшунос олимларнинг фикрича «қўх» форс-ча сўз бўлиб «тоғ» маъносини англатади, яъни

қўхи тош «тоғ тоши» демакдир. Асрлар ўтиши билан халқ ўртасида тилдан-тилга ўтиб, ушбу сўз бироз ўзгарган бўлиши ҳам мумкин. Шунинг учун «Қўйтош», «Қўйтош» кейинчалик «Қўйтош» деб номланган эҳтимолдан холи эмас.

Фаллаорол туманига қарашли Қўйтош тоғи Нурута тоғ тизмаларининг давоми бўлиб, па-леозой эрасида вужудга келган. Чуқурсой, Тол-лисий ва Каттасойлар Қўйтош тоғининг релье-фини анча парчалаган. Тоғ ён-бағирларида салобатли сланец ва қумтошлар асрлар даво-мида ўзининг тузилишини табиат таъсири ости-да ўзгартириб одамлар кўз ўнгига худди қўй-қўзилар ўтлаб юргандек манзара келади. Шу сабабли халқ ўртасида бу жой Қўйтош деб номлангани ҳақиқатга яқин.

Бир сўз билан айтганда, мактабимизда фа-олият юритиб келаётган 16 нафар ўқувчидан иборат “Ёш табиатушнослар” тўғрага аъзола-ридан, айниқса, Мухлиса Маматқулова, Шероз Тоғаев, Асилбек Абдувалиев, Гавҳар Мамажон-новаларда тоққа қилинган ушбу саёҳат бой таассурот қолдирди.

Наргиза РАҲМОНБЕРДИЕВА,
Жиззах туманидаги 36-умумтаълим мактаби бошланғич синф ўқитувчиси

Таълим



(У.А.) олаги сурат.

Илмга ташна ёшлар

хам билим, ҳам касб-хунар ўрганмоқдалар

Тайлоқ иқтисодиёт ва сервис касб-хунар коллежида ёшларга таълим-тарбия бериш, уларнинг касб эгаллаши, мустақил юртининг муносиб фарзандлари бўлиб етишиши йўлида самарали ишлар қилинмоқда. Таълим даргоҳида бугунги кунда 1079 нафар ўғил-қиз касб-хунар ўранишмаяпти. Ўқувчилар кенг, ёруғ ва замонавий фан кабинетларида молия, банк иши, бухгалтерия, компьютерларга хизмат кўрсатиш, тикув-трикотаж ишлаб чиқариш технологияси, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, сув ва газ таъминоти чилангари каби йўналишлар бўйича сабоқ олишмоқда.

Дарсларда замонавий ўқув техника воситалардан фойдаланишга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. — Коллежимизда

хар ойда фан кафедралари ойликлари ўтказилади. Унга кўра, кафедра ҳафталикларида фанлар бўйича кўргазмалар, очик

дарслар, сахна кўринишлари, конференциялар ўтказилади, дейди коллеж директори Мансурхон Ҳамраев. — Дарсларнинг махсус ўқув хоналарида олиб борилиши, янги педагогик методлардан ўз ўрнида ва самарали фойдаланиш ўқитиш жараёнида муҳим аҳамият касб этаётди. Шунингдек, олиб, ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратларини оширишга қаратилган “Меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларни юритиш тартиби” мавзусида ўқитувчилар билан семинар-тренинглар ўтказиб борилади.

Дарҳақиқат, таълим муассасида фаолият кўрсатаётган хар бир педагог ўқувчиларнинг онгу шурида озодликка, то-

заликка, саранжом-сариталикка меҳр уйғотиб, таълим даргоҳини обод қилишга ўз хисасини қўшишмоқда. Хусусан, коллежнинг ахборот-ресурс маркази фаолияти билан қизиқиб кўрганмизда бу ердаги ишлар кўнгилдагидай кетаётганига гувоҳ бўлдик. Марказ фонди таркибидagi дарслик ва услубий қўлланмалар, ўқув қўлланмалари, ижтимоий-сиёсий ва бадий, шунингдек, илмий оммабоп адабиётлар билан бирга электрон дарсликлар ҳам борлиги ўқувчиларга бир қатор қулайликларни яратиб берапти. Интернетга уланган компьютерлар ҳам ёшлар ихтиёрига берилган. Ўқув юртида спорт ва кураш заллари, стол теннис майдончаси ҳамда мини футбол, волейбол, баскетбол, қўл тўпи май-

дончалари мавжуд. Билим масканида ўқувчиларнинг маънавий дунёкараштини шакллантириш ҳамда ривожлантириш мақсадида маънавият ва маърифат маркази ташкил этилган. Шунингдек, 40 дан ортиқ фан ва спорт тўғрисидаги 950 нафар ўқувчиларнинг жалб этилиши ютуқларга омил бўлмоқда. Дилафруз Долиева инглиз тили фанидан тўғррак ташкил этиб, ўқувчиларга тил ўргатмоқда. Фирдавс Исломов ўқувчиларнинг компьютерга бўлган қизиқиш ва саводхонликларини ошириб борапти. “Баркамол авлод” мусобақасида коллеж қизлари жамоаси 1-ўринни эгаллади. Фан олимпиадасида 5 нафар аълочи ўқувчи вилоят босқичида қатнашиб, фахрли ўринларни кўлга киритишди.

Ориф ХОЛИКУЛОВ,
“Milliy tiklanish” муҳбири

Халқимизнинг бебаҳо бойлиги, эрк ва хуррият тимсолларидан бири — она тилимиздир. Дунёда ўзбек деган тили ҳам сайқаланиб, тақомиллашиб бораверади. Зотан, тилининг обрў-эътибори, шон-шухрати шу тилда сўзловчиларнинг маданияти, салоҳиятидан дарак беради.

1989 йилнинг 21 октябрида Президентимиз ташаббуси билан ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. Бунинг натижасида ўзбек тили республикамизда ўтказиладиган олий даражадаги давлат анжуманларида қўлландиган, давлатнинг расмий ҳужжатлари юритиладиган, ривожланиш истикболи қонун билан белгиланган тилга айланди. Ана шу нуқтаи назардан бу қонуннинг тарихий аҳамияти бениҳоя каттадир.

Мустақиллик шарофати билан дунёнинг бир юз йигирмадан ортиқ давлати мустақил республикамизни расман эътироф этди ва ўзаро дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди. Қисқа муддат ичида республикамизнинг жаҳон ҳамжамияти орасидаги обрў-эътибори ошди. Ўзбек деган миллат ва унинг миллий тили жаҳон жамоатчилигининг диққат-эътиборини тортди.

1995 йилнинг 21 декабрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IV сессиясида “Давлат тили ҳақида”ги қонуннинг янги таҳрири қабул қилинди. Янги таҳрирдаги қонуннинг муҳим жиҳатларидан бири шундаки,

Миллат бойлиги

Тилимиз софлигини сақлаш

барчамизнинг вазифамиздир

унда ўзбек тилининг бугунги жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеи ҳисобга олинди. Ўзбек тили Ўзбекистон Республикасининг давлат тили сифатида тан олинар экан, бу ҳолат республика ҳудудида бошқа тилларнинг фаолият кўрсатиши, ривожланиши, Ўзбекистонда яшовчи барча миллат вакиллари-нинг ўз тилида эркин сўзлашишлари учун монелик қилмаслиги белгилаб қўйилди. Қонуннинг 2, 4, 6, 10, 14-моддаларида бошқа миллат вакиллари тилларининг амал қилиши ҳимоя қилинади. “Ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намён бўлади. Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбиди, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили бу миллатнинг руҳидир”.

“Давлат тили ҳақида”ги қонун тилимиз мавқеини янада оширишга, унинг янада бойиши ва тақомиллашувига хизмат қилмоқда. Юртимизда давлат тилига катта эътибор берилганлиги унинг нафосатини, гўзаллигини кенг тарғиб этиш, турли номлар кўринишида зарарли, ёт ғоялар кириб келишини олдини олиш, кўчаларимиздаги лавҳа, эълон ва бошқа ахборот ҳамда тарғибот материалларини “Давлат

тили ҳақида”ги, “Реклама тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларида мослаш, имловий ва услубий хатоларга йўл қўймастик, тилимизни чуқур ўрганиш, унинг бой имкониятларини рўйга чиқариш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Мустақиллик йилларида тилимизни илмий асосда ривожлантиришга эътибор кучайди, унинг ўзига хос хусусиятлари бағишланган махсус адабиётлар, янги луғатлар яратилди. Ўзбек тилининг халқаро микёсдаги обрўси ошди. Бир неча йиллар илгари ҳарбийларимизнинг русча буйруқлари ўрнига ўзбекча “Текислан”, “Рослан”, “Унган”, “Чапа” каби сўзлари ишлатила бошланди. Миллий курашимизга оид “Ёнбош”, “Ҳалол”, “Фирром”, “Чала” каби сўзлар халқаро спорт атамашунослигидан ўрин эгаллади.

Тилга давлат мақомининг берилиши узоқ йиллар давом этадиган, барча касб эгаларининг сафарбарлиги, айниқса, зиёлиларнинг тинимсиз меҳнатини талаб қиладиган умуммиллий жараёндр. Модомики шундай экан, унга риоя қилиш, тилимиз софлигини сақлаш барчамизнинг вазифамиздир.

М.ПҮЛАТОВА,
ТошДАУ қошидаги
Қйбай академик
лицейининг
она тили ва адабиёти
фани ўқитувчиси

БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ

Юртдошларимизни муборак

Қурбон ҳайити

билан қутлайди.

Ватанимиз равнақига, гуллаб-яшнашига муносиб

ҳисса қўшаётган ҳамюртларимизга

соғлик-саломатлик, оилаларига файзу

барака тилайди!

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Бизнинг шарҳ

МИЛЛИЙ АССАМБЛЕЯ



мади. 1952 йилдан таваллуд топган биринчи президент аёл 2013 йилнинг 25 февралда парламент биносидан инаугурация маросимини ўтказди. Отаси 1961 йили ҳарбий тўнтариш орқали ҳокимиятни қўлга олган бўлиб, 18 йил давомида давлатни бошқарган. У уюштирилган суиқасд оқибатида ҳаётдан кўз юмади.

Ўтган йилнинг декабрида республикада президент ва парламент сайлови бир вақтнинг ўзига ўтказилган. Бу сўнгги 20 йил ичида кузатилмаган ҳолатдир. Парламент сайловида ёшларнинг кўпчилиги либералларга, катта авлодга мансуб шахслар эса "Сэнури"чиларга овоз берганини алоҳида кайд этиб ўтиш лозим. Бу мамлакат 1998 йилдан бошлаб демократик давлат, дея эътироф этилади. Парламент сайлови ҳар 4 йилда ўтказилмоқда. Миллий Ассамблеядаги 300 нафар депутатдан 246 нафари бир мандатли округдан, қолганлари эса сиёсий партиялар томонидан сайланади.

1948 йилнинг 15 августидан Жанубий Корея республикасига асос солинган бўлиб 1988 йилгача у парламент республикаси сифатида фаолият юритган. Мамлакат давлатчилиги тарихида 6 мартаба - 1948, 1960, 1962, 1972, 1980 ва 1988 йилларда янги конституция қабул қилинди. 1987 йили янги конституцияни қабул қилишга бағишланган умумхалқ референдуми ўтказилиб, унга кўра янги ҳужжат 1988 йилнинг 25 февралдан кучга кирган.

● Жанубий Корея бошқарув шаклига кўра президентлик республикаси ҳисобланади. АЙНИ ПАЙТДА ДАВЛАТ РАҲБАРИ ПАК КИН ХЕ, БОШ ВАЗИР ЖУНГ ХОНГ-ВОН.
● Майдони 99 392 км2, аҳолиси 50 миллиондан ортиқ. Пул бирлиги Вон.

Миллий ассамблея сессияси оdatо йшда 100 кун — сентябрдан декабргача давом этиб, бир битимга келинмаса, яна қўшимча 30 кун вақт белгиланиши кўзда тутилган. Мазкур давлат президент бошқарувидаги республика эканлиги эътиборга олсак, давлат раҳбарининг таъсири катталиги қайд этиб ўтиш керак. Мамлакат парламенти тарихида айрим сабабларга кўра тўрт мартаба спикерлар алмашган.

банд этиб турибди. Қонун чиқарувчи олий идорада 16 та доимий ва 2 та махсус қўмита ишламоқда. Ўтган йилнинг 11 апрелида ўтказилган сайловдан сўнг янги таркибдаги парламент иши 2012 йилнинг 28 июнида иш бошлаган.

Жанубий Кореяда парламент сайлови 1950 йилдан буён ўтказилиб келинмоқда. Парламент қонун ва давлат бюджетини қабул қилиш, президент томонидан кўрсатилган номзодларни ишга тайинлаш, халқроқ битимларни ратификация қилиш ваколатига эга. Парламент аъзоларининг ярмидан кўпи қонунни маъқуллаган тақдирда ҳужжат президент эътиборига ҳавола этилади. Икки ҳафта ичида бу қонун давлат раҳбари томонидан кўриб чиқилиши даркор. Бу ҳужжат қайтарилган тақдирда парламент аъзоларидан учдан икки қисмининг розилиги билан қайта кўрилиб қабул қилиниши лозим. Депутатлар назарий жиҳатдан уруш эълон қилиши мум-

кин, лекин ҳарбий ҳаракатларни бошлаш ҳақидаги фармойишни Олий Бош қўмондон — Президент беради.

Корея республикаси маъмурий жиҳатдан 9 та вилоят ва 7 та шаҳарга бўлинган. Президентнинг Сеулдаги "Зангори уй" қароргоҳида мамлакат тақдирини ҳал қилувчи кўллаб муҳим қарорлар қабул қилинади.

Президент фақат бир муддатга беш йил давомида ишлаш ҳуқуқига эга. Собик давлат раҳбари Пак Чжон Хининг қизи Пак Кин Хе ҳукмрон "Сэнури" партиясининг етакчиси бўлганлиги боис, сайловда ғалаба қозониши унчалик қийин кеч-

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

45 метр баландликда

АҚШда 12 нафар одам носоз аттракционда қолиб кетган.



Голливудда жойлашган "Universal" киностудиясидаги маҳаллий аттракционлардан бирида ўқишга қарор қилган саёҳатчилар унинг тепасида бир неча соатга қолиб кетди. Бу вақт давомида 12 нафар одам ерга нисбатан деярли вертикал ҳолатда, яъни, қарийб 45 метр баландликда муаллақ қолган. Бу масофа тахминан 17 қаватли бино баландлигига тўғри келади. Хабарларга кўра, истироҳат боғининг мутасадди вакиллари юз берган воқеани "техник носозлик" деб айтган. АЙНИ ПАЙТДА МАЗКУР ВОҚЕА ЮЗАСИДАН ТЕКШИРИВ ИШЛАРИ БОШЛАНГАН.

Халқаро Нобель эгалари аниқланди

Нобель кўмитаси тинчлик бўйича 2013 йилги Нобель мукофотининг соҳибини эълон қилди.

Бу сафар мукофотга Гаагада жойлашган Кимёвий қуролни тақиқлаш ташкилоти (КҚТТ) муносиб кўрилди. Ҳозир айнан шу ташкилот мутахассислари Сурияда кимёвий қурол-яроғни йўқ қилиш устида ишламоқда. Ташкилотчиларнинг сўзларига кўра, КҚТТ "кимёвий қурол-яроғни йўқ қилиш бўйича кенг миқёсли фаолияти" учун мукофотланади. Маълумот ўрнида айтиш жоизки, Кимёвий қуролни тақиқлаш ташкилоти 1997 йили бутун дунё бўйлаб кимёвий қуролни тарқатмаслик режими қузатиш учун ташкил этилган. Дунёнинг 190 та давлати ушбу ташкилот аъзоси ҳисобланади. Шунингдек, Адабиёт бўйича 2013 йилги Нобель мукофоти канадалик ёзувчи аёл Элис Мунрога берилди. Нобель кўмитаси хабарига кўра, Элис Мунро мукофотга замонавий қисқа ҳикоялар устаси сифатида лойиқ кўрилди. Ёзувчи ушбу юсак мукофотга 1976 йилдан бери сазовор бўлган илк канадалик ёзувчи бўлди. Эслатиш жоиз, 1901-2013 йиллар орасида 110 ёзувчи адабиёт бўйича Нобель мукофотига сазовор бўлган. Улар орасида 12 нафар аёл бор.



Музокаралар олдидан

Эрон бойитилган уран захирасини хорижга жўнатишдан бош тортган.

Эрон Ташкил ишлар вазири ўринбосари Аббос Ароқчи Техрон бойитилган уран захирасини мамлакат ташқарисига жўнатиш маслиҳати, аммо ўз ядровий дастурининг бошқа жиҳатларини кўрсатишга тайёр эканини билдирган. Хабарларга қараганда, А.Ароқчи бунди Женева шахрида Эрон расмийлари билан дунёнинг олти етакчи давлати вакиллари ўртасида Техроннинг ядровий дастури борасидаги навбатдаги музокаралар бошланишидан икки кун олдин айтган. Бу Ҳасан Рухоний август ойда президент этиб сайланганидан бери Эрон ва Фарб вакиллари ўртасидаги илк музоқара бўлади. Хавфсизлик кенгашининг доимий беш аъзоси, АҚШ, Британия, Россия, Хитой, Франция ва Германия вакиллари билан бўлажак музоқарада Эрон делегациясига Ташки ишлар вазири Муҳаммад Жавод Зариф бошчилик қилади.



Террорчилар ҳужуми

Афғонистонда НАТО ҳарбийси ҳужум қурбони бўлган.

Мазкур воқеани НАТО расмийлари тасдиқлаган, бироқ унинг тафсилоти ёқи ҳалок бўлган аскар қайси мамлакат фуқароси экани ҳақида маълумот тарқатмаган. Афғонистон расмийларига кўра, НАТО аскарига ҳужум террорчилар томонидан мамлакат шарқидagi Пактика вилоятида уюштирилган. Мазкур минтақага жойлаштирилган хориж кучларининг асосий қисмини АҚШ аскарлари ташкил этади. Ҳозир Афғонистонда 87 минг фарбик ҳарбий бор. Шундан 52 минг нафари америкалик аскарлардан иборат.



Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Эълон

«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ
2013 йил 21 ноябрь кунини бошланғич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибидagi очик аукцион савдоларини ўтказди!
Аукцион савдоларига Тошкент ш., Юнусовод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 107-«Б» уйда жойлашган «HALQARO HAMKORLIK MARKAZI» ОАЖ балансидаги 1998й. и/ч, д/р 01/019ТСА, бошланғич нархи 4 449 336 сўм бўлган «ГАЗ-3110» русумли; Тошкент ш., Миробод тумани, Туркистон кўчаси, 8-«А» уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокуратураси балансидаги 2003й. и/ч, д/р 40/513FAA, бошланғич нархи 19 300 000 сўм бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситалари кўйилади.
Талабгорлардан бюортманомаларни қабул қилиш, расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан 2 (икки) кун аввал соат 18-00да тўхтатилади.
Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида 20 фоизи миқдоридagi закатлат пули «TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотечка-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФД 00425, СТИР 302071274, 2020 8000 7049 2931 8001 ҳисоб рақамига туланади.
Савдо қолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотиш шартномасини имзолаш, туланган закатлат пули миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда, етишмаётган суммани шартнома тўзунгунга қадар ўтлаб бериш шартлари юклатилади.
Мазкур автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда, улар бўйича тақрорий аукцион савдолари, улар сотилгунга қадар навбатдаги ҳафталарнинг ҳар пайшанба кунлари ўтказилади. Ушбу мол-мулкларга қизиқиши билдирган талабгорлар, уларнинг ҳолати билан сотувчи ташкилотларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилларига бориб танишишлари мумкин.
Аукцион савдолари соат 15-00да бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:
Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А»-уй, 3-қават, 307-хона (Мажлис залли).
Мурожаат учун алоқа воситалари: телефон: 233-23-40; телефакс: 233-23-40, электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru.
Шунингдек, «TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ томонидан 2013 йил 10 октябрь кунини ўтказилган аукцион савдолари натижаларига кўра, «O'ZKITOVSAVDO» DAK O'QUV-METODIK KOLLEKTORI «KITOV DURDONASI» ДУК балансидаги д/р 01/736ССА бўлган «Нексия» — 9 700 000 сўмга, д/р 01/738ССА бўлган «Матиз» — 6 700 000 сўмга, д/р 01/739ССА бўлган «Дамас» — 5 500 000 сўмга сотилганлиги маълум қилинади.

Рангин дунё

Стоунхенж

Уни дунёнинг саккизинчи мўъжизасига менгайдилар. Бунга сабаб унинг ҳамон жумбоқ бўлиб келаётганлигида бўлса керак. Манбаларда келтирилишича, Стоунхенж бунёд этилганда Крит ороларидagi ҳали эндигина Миний цивилизацияси вужудга келган экан. Бу давр бронза асрига тўғри келади. Унинг қурилиши бир неча даврларга бўлинади.



Айрим қурилмаларнинг ёши эса бир неча минг йилликларга тенг. Қурилиш ишлари эраизига қадар, тахминан 3100 йилларда бошланган. Йил сайин кенгайя борган иншоотдаги ҳар бир тошнинг баландлиги 8 метр, оғирлиги 50 тоннани ташкил қилади. Иншоот Лондон (Б.Британия) шаҳридан 130 километр узоқликдаги Солсбери текислигида жойлашган.

Стоунхенж шу қадар кўхнаки, антик даврга келиб унинг тарихи бутунлай унутилди. Грек ва рим тарихчилари у ҳақда ёзмай кўядилар. Ҳатто, Британия я римликларнинг кириб келиши ҳам Стоунхенжга бўлган қизиқишини уйғота олмади. Тўғри-да, Рим измидаги маҳобатли ибодатхоналари Миср эҳромлари олдида бир уюм харсанг тошлар нима бўпти? Фақат ўрта асрларга келиб, ушбу қадимги тошлар инсоният эътиборига тушди. Бироқ, улар иншоотнинг асл тарихи аллақачонлар унутилган эди. У ҳақда аниқ маълумотлар йўқ, фақат афсоналар юради.

Шундай бўлса-да, антик тарихчилар томонидан улкан тош иншоот ҳақида озми-кўпми маълумот берилган. Масалан, сицилиялик тарихчи Диодор британ мегалитларини изоҳ берадиган, уни муқаддас ва муҳташам ибодатхонага ўхшатади. Британиянинг каттагина қисмини босиб олган Юлий Цезарь эса ҳеч иккиланмай Стоунхенжга бир кўзли маълумотлар макони, дея таъриф бериб кет-

ган. Рим империяси инқирозга юз тутгач, Британия англо-сакслар қўлига ўтади. Ушбу қабила вакиллари Стоунхенжни вайрон этишга жазм қилолмайдилар. Улар тошларнинг бари афсонавий қирол Артур саройидан қолган бўлиши керак, деган уйга боришган. 1066 йили мамлакатни норманлар эгаллаб олишда у мегалит иншоот ҳақиқий маънода ўз қадрини топади. Норманлар бу иншоот скандинавия маъбудиди Одинанинг уйи дея, унга ҳурмат бажо келтиришди. Яна бир тахминга кўра, Стоунхенж друидлар, қадимги кельт кохилларининг диний маросимлар ўтказадиган жойи бўлган. Тарихий манбаларда келтирилишича, кельт кохилларининг ибодатхоналари Стоунхенж каби сфера кўринишда эди. Бу каби ибодатхоналар Францияда, Марказий тоғ массивидаги Дордон дарёси бўйида ҳам учрайди.

Мегалит иншоот бугунги кунда ҳам ўта сирли кўринади. Унинг атрофидаги жумбоқларнинг эса адоғи йўқ. Айтишларича, баҳайбат тошларда аллақандай куч яширин бўлиб, уни жойидан кўзгаш ёқи ушлаш ўлим билан баробар экан. Тошни ушлашга уринганларнинг аксарияти қачонлардир хушидан кетган ва алалоқибат фалаж бўлиб қолган. Ҳозирги кунда сайёҳлар ҳаётини муҳофаза қилиш мақсадида барча чоралар кўрилган. Эндиликда иншоотдаги биргина тошга тегишиш мумкин. Бу тош мутахас-

Зафар МУҲАММАД

Маданият хабарлари

Ибрatли бўлиш масъулияти

Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси миллий ва нодавлат телеканалларда бошловчилик (диктор, суҳандон) фаолиятини олиб бораётган катта ва ёш авлод вакиллари, маданиятимиз, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида «Ибрat бўлиш масъулияти» мавзuida тадбир ўтказди.

Тадбирда сўзга чиққанлар асосий эътиборни ёш дикторлар фаолиятида халқаро мезонларни билиш, инфомацияни етказишда нафақат жажон андозаларининг ибрatли жиҳатларини кўллаш, шу билан бирга миллий қадрият ва мезонларга, этика, нутқ ва кийиниш маданиятига қаратди.

Хасан АБДУНАЗАРОВ

Нукуслик қизлар голиб

Бухорода 1997-1998 йилларда туғилган қизлар ўртасида баскетбол бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди.

Болалар ва ўсимирлар спорт мактаблари тарбияланувчилари ўртасида ташкил этилган ушбу мусобақада Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Андижон, Наманган, Жиззах ва Хоразм вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри жамоалари ўзаро баҳс олиб борди. Мусобақа финалида нукуслик қизлар жамоаси Тошкент шаҳри вакиллари 64:24 ҳисобида мағлуб этиб, чемпионатнинг олтин медалини кўлга киритди. Учинчи ўрин бухоролик қизларга насиб этди.

ЎЗА

Миниатюра санъати

Қадриятлар қадр топган юрт

Миллий хунармандчиликнинг ҳар бир тури — ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган бебаҳо қадрият ҳисобланади. У мустақиллик шарофати билан қайта қадр топди, тақомиллашди, ривожланди. Бугун бу сўзларни маданиятнинг барча соҳалари қатори замонавий ўзбек миниатюра санъатида нисбатан ҳам бемалол кўллашимиз мумкин.

Миниатюра санъатида мусавир ўз ички дунёси ва олами ўзига хос хусусият ва чизгилар орқали акс эттиради. Нақшлар, ундаги ечимлар, ранг-баранг образлар мусавир мўйқаламининг сирли ва нозик жиҳатларини очиб беради. Ўрта асрларда ривожланиб, ўша давр маснавий, дoston ва солномаларининг мазмун ва ўзига хос тузилишини турфа ранглар орқали жонли ифода этган бу санъат турчи Шарқнинг буюк асарлари сарчашмаларидан баҳраманд бўлиш имконини беради.

Бухоролик миниатюрачи расом Давронбек Тошев ўз ижодини дастлаб нақшошлик санъатини ўрганишдан бошлаган. Аста-аста миниатюрада ижод қилишга ўтди ва уни мукамал даражада эгаллади. Ўтган йиллар давомида уста кўплаб халқаро кўргазмаларда иштирок этган. Жумладан, 2010 йилда Швейцариянинг Женева ва Сион шаҳарлари ҳамда Франциянинг Марсель шаҳрида «Бухоронинг миниатюра мактаби» номи кўргазмада, 2011 йилда эса Париж шаҳрида ташкил этилган кўргазмада қатнашди.



— Ўзбек миниатюра санъати ҳозирги кунда мустақкам ғоявий-бадий ва илмий асосга эга, — дейди Д.Тошев. — Ҳозирги миниатюрада ижод қилаётган расомларимиз ижодда санъатнинг халқчил руҳини ва унинг эзгу интилишлари ҳамда ҳаётга бўлган фалсафий қарашини, келажакка бўлган ишончини кўришимиз мумкин. Алишер Навоий, Низомий Ганжавий, Абдураҳмон Жомий, Абулқосим Фирдавсий каби шарқ адабиётининг буюк номандалари асарларига ишланган миниатюралар ҳали-ҳануз ижодимиз бош мавзуси бўлмоқда. Биз оиламиз билан биргаликда санъатнинг турли йўналишида ижод қилмоқдамиз.

Миниатюра расом оидий кутича ёки қаламдонни ясар экан шакл, чизик ва нақшлар орқали унга жон бағишлайди. Кутичалар шаклининг соддалиги, нақшлари, буюмининг ички ва ташқи сатҳидаги ранг-баранглик, нафис ва бежирилмиги сабаб хоржилик сайёҳларини ҳам, балки, юртдошларимизни ҳам ўзига мафтун этмоқда. Дунёнинг турли тарафидан келувчи сайёҳлар маҳсулотларимизни жон деб олишмоқда. Ҳақиқий санъат асарининг қадр-қиммати ҳар қачон баланд бўлиб келган. Биз ҳар бир нарсамизни санъат асари даражасига кўтаришга ҳаракат қиламиз.

Мусавир асарларини кузатиб, миллийликни тасвирлаш, турмушни акс эттириш орқали инсон қалбининг нафис муҳити садо си остида сирли тебранишга гувоҳ бўлади. Санъатига, ижрозчили маҳоратига лол қоласиз. Унинг асарлари шомашоарлик билан яратилган эмас. Борлиқ оламни диққат ва эътибор билан кузатиб, ўз иқтидорини намойн қилишга интилади. Яратган асарларида шу юрт, Ватан учун фидо бўладиган, унинг тупроғига меҳр-муҳаббатини кўйган ижодкорнинг кўнгил ҳайқиринини эшитасиз. Бунга гувоҳ бўлмоқчи бўлсангиз Бухоронинг «Лаби ҳовуз»и бўйлаб эски шаҳар томон юрсангиз, миниатюрачи расом Давронбек Тошев ижодхонасига рўбарў келасиз. Ана шу ерда сиз ҳаммасини ўз кўзингиз билан кўриб, санъатимиздаги сербутоқ дарахтдаги гўзал шохларнинг ажиб гулга кириб, халқимиз маънавияти ва маданиятини бойитганига гувоҳ бўламиз. Айтишди-ку, юз бора эшитилган кўра, бир бора кўрган афзал, деб.

Эркин ДОРИПОВ, «Milliy tiklanish» муҳбири



Умуман, мўмиёни биологик, геологик ва биоминералогик ўзгаришлар маҳсулоти дейиш тўғрироқ бўлади. Мўмиё хамирдай мулоим, таъми аччиқ, сувда эрувчан. Юртимизда темир тусли мўмиё кўпроқ тарқалган. Ундан асосан, тиббиётда кенг фойдаланилади. Мўмиё йиринглатувчи микробларни ўлдиради, жароҳат, яра ва синган суякларни тез тuzлатади. Мўмиё ёрдамида қадим замонлардан бери кўплаб касалликлар даволаб келинган. Мўмиё табиатнинг улкан мўъжизаси, даво кўлами кенг табиий антибиотик ҳисобланади. Абу Али ибн Сино мўмиё ҳақида бундай деб ёзган: «Мўмиё таъсирида танадаги ўсмалар сўрилиб кетади, суяк бўғимдан чиққанда, йиқилганда пайдо бўлган оғриқларни қолдиради, юзининг асаб тизими умумий фалажиде шифобахш. Мигренда, бош оғриғида, тутқаноқда, бош айланганда, куюқ оғриғида кўлланилади. Ўпқадан оқаётган қонни тўхтатади, ангинада, меъда сусайганда, кўнгил айниганда, ҳижоҳатда, ҳижоҳатда, сийдик йўллари ва қовуқ ярасида, сийдик тутулганда, захарланганда ва чаён чаққанда синалган восита ҳисобланади». Нима бўлганда ҳам мўмиёдан тўри ва мунтазам фойдаланган бемор албатта шифо топиб кетади.

БИЛАСИЗМИ?

Кийим-кечақлар дўконига кирган аёллар асосан бетартиб полка ва илгичларга эътибор беришди. Уларнинг наздида энг қизиқ нарсаларни айнан шу ердан топиш мумкин.

Нотаниш жойда кўпчилик ўзи билмаган ҳолда ўннга бурилади. Шунинг учун тиқилнчиде қўлмай ёки навбатда турмай десангиз чапга қараб юринг.

ТУРФА ОЛАМ

Қадимги ҳайвонлар

АРГЕНТИНА ХУДУДИДАН БИР НЕЧА МИЛЛИОН ЙИЛ АВВАЛ ЯШАГАН ҲАЙВОН ҚОЛДИҚЛАРИ ТОПИЛГАН.

Қазимша ишлари Сан-Хуан провинциясида олиб борилган бўлиб, бу ердан энг қадимги сут эмизувчи ҳайвонлар ва протодинозавр қолдиқлари қазиб олинган. Табиий фанлар музейи директори Оскар Алкобернинг таъкидлашича, ноёб ҳайвонларга тегишли суяк қолдиқлари мезозой эрасига тааллуқли бўлиши мумкин. Олимлар суяк қолдиқларининг ўлчамларига қараб шундай фикрга келишган. Улар орасида энг кичикининг бўйи тахминан 25 сантиметрге тенг экан. Мутахассислар бир ой ичида янги топилмалар ҳақида янада тўлиқ маълумотга эга бўлишларини айтишмоқда. Шунинг айтиши жоизки, Сан-Хуан провинциясидан топилган ҳайвонлар ўзининг ноёб ва қадимийлиги билан аввалги топилмалардан фарқ қилади.



Ўзи юрар машина

TOYOTA MOTOR CORPORATION АВТОКОНЦЕРНИ ЯҚИН ЙИЛЛАР ИЧИДА АВТОМАТИК БОШҚАРУВГА ЭГА АВТОМОБИЛЛАР Ишлаб чиқаришини маълум қилди.



Айни пайтда компания ўзи юрар машина устида бош қотирапти. Мақсадни амалга ошириш йўлида энг сўнгги технология ишланмалардан фойдаланилмоқда. Даставвал, бундай машиналарга автоматик бошқарув тизими ўрнатилиши кўзда тутилган. Синов машқлари эса йўловчилардан холи катта йўللарда олиб борилади. Қолаверса, бундай машиналар автонунавигацияга ҳам эга бўлади. Lane Trace Control дастури автомобилга керакли тезликни танлаш ва ҳаракатланиш имконини беради. Компания вакиллари айтишича, автоматик бошқарувга эга автомобиллар асосан Prius гибрид моделларига нисбатан татбиқ этилиши кутулаётди.

Зафар МУХАММАД тайёрлади

Воқеа

ТАБИАТ НЕЪМАТЛАРИ



(ЎЗА) олим сўзлади.

Асал — она табиат томонидан инсонга инъом этилган бебаҳо неъмат. Бу хушбўй, шифобахш ширинликни етиштириб берувчи асаларилар меҳнатқашлиги ва ўзаро ишончилиги билан кишини ҳайратга солади. Улар ҳаво орқали тебраниши ҳис этиб, ҳудудан тез таъсирланишади. Инсон нафасини сезгудек бўлиши, дарҳол безовожланишади. Асалариларнинг кўрши қобилияти ҳам яхши ривожланган. Гулдан-гулга кўниб, биз бир ўтиришда наққос туширибдиган бир пийлагина асални минг бир машаққат билан тўпловчи бу заҳматқаш ҳашоратлар ҳақида ҳар қанча санирсак оз. Уларнинг ўзига хос ҳаёти кўпчиликни қизиқтириши табиий.

Она асалари бироз каттароқ бўлиб, оилада малика ҳисобланади. Ҳаддан ташқари ардоқланадиган ва қадрланадиган уй маликасига бошқалари бўйсунушади. Усида айланган юрганида қани-зақлари мўйловлари билан силаб-сийлаб унга йўл кўрсатишади. Овқатини чайнаб бериб, меҳр билан парваришланишади. Кувватини ошириши ва кўпайиши учун у тинмай озикланиши керак бўлади. Мавсум давомида она асалари мингта яқин уруғ қўяди. Уруғдан чиққан личинкалари дастлаб ночор бўлиб, секин-аста она арини ялаб, унинг хидини эслаб қолишади. Хид билан қобилияти таниб олиш имкониятини беради ва улар ўзларига малика қилиб олишади. Малика

ҳар бирига вазифа тақсимлаб, қатъий назорат ўрнатади. Эътибор ва назорат сусайганда асаларилар ўртасида бошбошқоқлик юзага келиши мумкин. Айни баҳор чоғи. Табиат уфюниб, тириклик нишонлари пайдо бўлади. Ўсимликлар авж олиб ривожланиб чаманзорга айланади. Унинг нафис ислари ҳатто яқин атрофдаги қишлоқларга етиб боради. Бепоеён кенглик ва баландликлардаги адирлар барча ҳашоратларга саховат кўрсатади. Гулларнинг хушбўй ифори асалариларни оҳанрабодек ўзига тортади. Эътиборлиси, бу ҳашорат барқ уриб гуллаб турган чакларнинг олдидан ҳеч қачон бекфарқ ўтиб кетолмайди.

Кунларнинг исиши, асалариларнинг кўти ичидан тезроқ чиқишларига имкон беради. Офтоб нурида тобланиб, камҳаракат ва нозик катларини учиб учун ҳозирлайдилар. Муваффақиятлар кўпроқ уларнинг нозик қанотларига боғлиқ. Асаларилар гулдан-гулга ўтганларида оёқларидаги митти панжаларига гулшира ўрнашиб, ўсимликни чаглантиради ва хизматларига яраша «мукофот» олишади. Ўз навбатида мумкатларни шифобахш асалга тўлдиривади. Улар кўни бўйи дала кезиб, эрта баҳодан то кўз охиригача бол йиғаверишади-йиғаверишади...

Асалариларнинг мўъжаз «кулбаси»даги уялар улкан қуримкани эслатади. Уялиг организмни ташкил этади, дейилса муболагча бўлмас. Бир қарашда асаларилар галаси тартибсиздек кўринса-да, диққат билан разм солиб, уларнинг уюшган жамоа эканини пайкаш қийин эмас. Қисқа умр кўришади. Оилада ҳар бир асаларининг тақсимланган вазифаси бор. Жумладан, янги дунёга келганлар митти қанотлари кучга тўлгунча уяда тозаланиб жабобгар. Она ари уруғ қўйиш ва назорат ўрнатиш билан машғул. Қолганлари шарбат ташиб, гул чагнини йиғишади. Улар асалбоб ўсимликлар ҳақида бир-бирларига хабар берувчи мураккаб сигнал системасига ҳам эга. Хоналарни шамоллатиб мўътадиллаштириш, эшик олдиде «қўриқчилик» қилиш каби қатор вазифалар ҳам ўзаро тақсимланган. Хуллас, уларда бекорча вақтнинг ўзи йўқ. Бу эса худди кишилик жамиятини эслатади.

Уюшган ҳолда нектар йиғиш ва ошқозонда хушбўй асал ишлаб чиқариши уларнинг катта ютуғи. Эришилган муваффақиятлар кўпроқ уларнинг нозик қанотларига боғлиқ. Ҳар бир машаққатли меҳнатнинг роҳати бўлганидек,

мумкатакларда тўплаган озуқа асалариларнинг бутун авлодига етиб ортади. Лекин беозор ҳашоратлар йўлида онда-сонда бўлса-да, хавф-хатарлар учраб туради. Бу олам шафқатсиз. Энг катта хавф осмондан келади. Улар ҳар дақиқа оғоҳ бўлиб туришади. Зийраклигидан рақибининг арзимас ҳаракатларини ҳам илғай олишади.

Бир пайт улар бошланаси атрофида чумқусимонлар оиласига мансуб узун тўмшукли олақанот қарқуноқ пайдо бўлди. Асаларихўр куш «кик-кик-лаб» баланд овозда уларни таҳликага солиб, қанотларини гоҳ силкитади, гоҳ ёйиб, тез-тез уча бошлади. Яхшиям кичик фермер хўжалиги аъзолари хушёр туришган экан. Хавф тезда бартараф этилиб, беғуноҳ асаларилар «ийртқич» чагалидан овоз этилди. Орадан бир неча кун ўтиб катта қанотли, кўзларидан ажал шарпа-си кўриниб турган махлук пайдо бўлади. Бу текинхўр қовоғари она бўлиб, у асалариларнинг энг катта душманларидан биридир. Асаларилар кўпдан бери уни кўришмаганди. Қовоғари ҳажман улардан беш баробар катта. Танасидаги оқ-сарик, йўл-йўл чизиклар унинг хатарли эканлигидан далолат. Жағи билан рақибининг бошини узиб олиши ҳеч гапмас. Ниши қурбонини эритиб юбориши мумкин. Лекин асалари ҳам қараб турмайди, химоя қуроли бор. Мумкатаклардаги йиғилган озуқасини осонликча олдириб қўймайди.

Кутулмаган нохушлиқдан сўнг лашкар бошлиғи асаларилар тўдасини хавфдан оғоҳ эта бошлайди. Унинг ишораси ҳам ўзига хос. Уюшган жамоарақибларининг бежохаракатларидан бекоранжомланиб, уяларидан чиқиб хатар ҳақида бир-бирларини оғоҳлантириши. Бу ҳолат одатдагидан тамоман бошқача тус олади. Асаларилар ҳавода бирлашиб, катта тўдани ташкил этишади. Душман эса тобора яқинлашиб келаётган эди. Бундай пайтда асаларилар кўркүв ва таҳликага тушмай бараварига ташланишади. Юзлаб асаларилар ғазабдан қалтираб дағ-дағ титрайди. Тўқнашуларда фақат кунининг ўзигагина кифоя эмас.

Ниҳоят, уларга маҳорат ва ҳамжиҳатлик иш бериб устунликка эришди. Афтидан, асаларилар ниҳоят яхши химоя услубини топганга ўхшайди. Шу кўни улар қовоғариларнинг қанотларини ҳар томонга осмондан келади. Улар ҳар дақиқа оғоҳ бўлиб туришади. Зийраклигидан рақибининг арзимас ҳаракатларини ҳам илғай олишади.

Афсуски, қутилар атрофида тинчлик ва осийишгалик узоққа чўзилмади. Ҳеч қанча вақт ўтмай нохушлик содир бўлиб, яна душманга рўбарў келишади. Янги куч билан қарос олиш учун етиб келган қовоғарилар айғоқчи она арини химоя қилишга ўтишади. Унинг ҳаётини сақлаб қолишга ҳаракат қилишди. Шу кўни қутилар тағи бош ва таначаларга тўлиб кетди.

Нохуш кўнгилсизликдан фермернинг фиғони фалак. Кутулмаган ташвиш қандай бартараф этишни билолмай, боши қотиб турганда кичик фермер хўжалиги аъзолари ёрдамга етиб келишди. Тўтун ёрдамида биргаликда текинхўр қовоғариларни ҳайдашга эришилди. Қутилар ичи кўздан кечирилганда талофат фермер уйланган чалик катта эмаслиги, омон қолган асаларилар сони кутулганидан кўп эканлиги маълум бўлди. Бу, табиийки, барчани қувонтирди. Энди ҳаммаси жойида.

Кўёш уфққа бош қўйиб оқшом чўккач, қутилар техника ёрдамида бошқа томонга кўчирилди. Кичик фермер хўжалигида ўз касбининг фидойилари бор экан, оғзидан бол, нишидан захар томувчи асалариларнинг тинч ва осийишта яшаши таъминланади. Эл юртга хушбўй ва шифобахш асал етиштириб бериш кўпайтирилверади.

Равно ЭШБЕКОВА